

Ер деҳқонни боқади, деҳқон эса элни боқади, деган ҳикмат ҳамиша
диққатимиз марказида туриши, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги
фаолиятимиз мезонига айланиши даркор.

Ислом КАРИМОВ




Ishonch

2008-yil
11-dekabr
№148
(2561)
payshanba

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta * E-mail: ishonch-doverie@mail.ru * Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



“Ёшлар йили”дан
“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”га



«Ёшлар йиллиги» дами

Кўшсаҳифа «Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантали маросимдаги маърузаси» асосида тайёрланди.



Бугунги кунда демократик ислохотлар ва жамиятни либераллаштиришни изчил ва босқичма-босқич давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш жараёни ўзининг аниқ ва равшан марраларига эга бўлиб, ҳаётимизда бошланган туб ўзгаришлар албатта ўз мантқий якунига етказилади, деб айтиш учун барча асосларимиз бор.

Бу — бизнинг келажгимиз, келажгимиздан эса биз ҳеч қачон қайтмаймиз.

Ҳеч кимга сир эмаски, бугун кенг кўламда тарқалиб бораётган жаҳон молиявий инқирозининг асосий сабабларидан бири — бу банklar ликвидлиги, яъни тўлов қобилиятининг заифлиги билан боғлиқ муаммонинг кескинлашуви, кредит бозоридаги танглик, содда қилиб айтганда, пул маблағларининг етишмаслиги билан изоҳланади.

Кўрилатган чора-тадбирлар натижасида фақат 2008 йил давомида республика тижорат банклари жами капиталининг тўртдан уч қисмини ўзида бирлаштирган саккизта етакчи тижорат банкининг умумий капитали ҳажми 42 фоизга ошди ва бу кўрсаткич 2010 йилгача икки баробар ортади.

Тижорат банкларининг активлари миқдори, «Фуқароларнинг банklarдаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ шаклланган захираларни ҳисобга олган ҳолда, 13 триллион 360 миллиард сўмдан ошди.

Бу аҳоли ва ҳўжалик юртувчи субъектларнинг жалб қилинган депозитлари ҳажмидан тахминан 2,4 баробар кўп демакдир.

Банк активлари ҳажмининг сезиларли даражада ошганини ҳисобга олиб, бугунги кунда республикамизда аҳолининг банklarдаги барча депозитларини давлат томонидан юз фоиз кафолатлаш таъминланмоқда.

Мамлакатимиз ҳудудларида 78 та филиали ва 270 дан зиёд минибанки фаолият кўрсатаётган мазкур банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоғини кредитлар билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

Утган икки йил давомида ушбу банк активлари миқдори 3,5 баробар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш ҳажми 4 баробарга ошди ва бу мақсадларга 150 миллиард сўмдан ортқ маблағ йўналтирилди.

Яқинда Президент фармони асосида Микрокредитбанк устав жамғармасини 72 миллиард сўмга ошириш ва унинг ҳажмини 150 миллиард сўмга етказиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг умумий ташқи қарзи яъни ички маҳсулот ҳажмининг 13,3 фоизини ташкил этади ва экспорт ҳажмининг 31 фоизидан ошмайди. Бу халқаро мезонларга кўра, ҳар жиҳатдан мақбул ҳолат, деб баҳоланади.

2009 йилда Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида 1,8 миллиард АҚШ долларидан ортқ хорижий инвестицияларни ўзлаштириш кўзда тутилмоқда. Уларнинг тахминан тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри жалб этиладиган инвестициялардир.

Умуман, 2009 йилда мамлакат иқтисодийотига киритиладиган хорижий ва ички инвестицияларни ҳисобга олганда, капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми мамлакатимиз яъни ички маҳсулотининг камида 25 фоизини ташкил этади.

Бюджет соҳаси ходимларининг ўртача иш ҳақи 2008 йилда 51 фоизга, ҳўжалик субъектларини ҳисобга олган ҳолда эса, 47 фоизга ортади.

Шу тариқа кейинги икки йил давомида, яъни 2007-2008 йилларда мамлакатимизда ўртача иш ҳақининг 2 баробардан зиёдроқ ўсишига эришамиз.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда глобал инқирознинг оқибатларини, бугунги ва эртанги қутиладиган таъсирини ҳисобга олган ҳолда, қатъий, ҳар томонлама ўйланган кенг кўламли лойиҳалар бугун амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда совет давридан қолган ўрта таълим олиш жараёнидан умумтаълим босқичи, ўрта махсус ва касб-ҳўнар таълимини ўз ичига олган 12 йиллик таълим тизимига ўтиш ишларини якунига етказдик.


1997 йилда бошланган, ҳақиқатан ҳам оламшумул ишларимизнинг бундай муҳим натижасига эришишда биргина шу йилнинг ўзида 370 миллиард сўмдан ортқ маблағ сарфланиб, 184 та замонавий лицей ва коллеж барпо этилгани ҳам салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Йил давомида умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича 364 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 1 минг 875 та мактабда янги қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилгани ҳам, ҳеч шубҳасиз, биз учун, бизнинг келажгимиз учун амалга оширилатган ишларимизнинг яна бир намоёни бўлди.

2006 йилдан бошлаб умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича такомиллаштирилган янги тизим татбиқ этилгани, уларнинг ойлик маошлари шунинг ҳисобидан йил бўйича ўртача 1,6 баробар ошгани бунинг исботидир.

Жорий йилда қабул қилинган махсус қарорга биноан, олий ўқув юртларида ишлаётган профессор ва ўқитувчиларнинг маошлари 25 фоизга кўпайтирилди. Агарки 2008 йилда юртимизда умумий иш ҳақи миқдорининг оширилганини инобатга оладиган бўлсак, уларнинг ойлик маошлари фақат шу йилнинг ўзида ҳаммаси бўлиб икки карра ошганини қайд этиш керак.

Кимё фани бўйича шу йил Тошкентда ўтказилган Халқаро Менделеев олимпиадасида ўқувчиларимиз 13 та медалини қўлга киритиб, биринчи ўрин соҳиб бўлгани ёки Испанияда 97 та мамлакат вакиллари ўртасида бўлиб ўтган математика олимпиадасида 4 та совринли ўринни олишга эришгани барчамизни мамнун этади.



3 Нукус тиббиёт коллежида 2302 талаба таҳсил олади. Уларга етарли билим бериш билан бирга юксак маънавиятли инсонлар бўлиб шаклланишларига ҳам аҳамият қаратилмоқда. Ахборот ресурс маркази мунтазам равишда янги адабиётлар билан бойитиб бориляпти. Талабалар ўртасида мунтазам равишда маданий-маърифий, спорт тадбирлари ўтказиб борилади. Коллежининг «Шунқорлар» командаси аскарый-спорт мусобақаси, «Сенаторлар» командаси «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танлови, «МТС» командаси «Қувноқлар ва зукколар» танловининг Қорақалпоғистон босқичида голиблар сафидан жой олганлиги бунинг ёрқин исботидир.

Ётоқхона эмас, қошона

— Мана бу эса ётоқхонамиз бўлади, — деди Г. Кудиярова коллеж ёнида қад ростлаб турган бино эшигини очаркан.

Чўгдек товляниб турган гиламларга, деворлардаги бир-бирдан гўзал, сермаъно расмлару плакатларга, лов-лов яшнаб турган гулларга кўзим тушиб, хаёлимдан ётоқхонадан кўра кўпроқ уч юлдузли меҳмонхонага ўхшаркан деган фикр ўтди.

— Ётоқхонамиз йил бошида таъмирланиб, янги жиҳозлар билан таъминланди, — изоҳ беради Г. Кудиярова. — Эндиликда бу ерда талабаларнинг яшашлари, вақтларини мазмунли ўтказишлари учун барча шароитлар муҳайё.

Дарҳақиқат, барча хоналар ёруғ, шинам, юмшоқ ва қаттиқ инвентарлар билан тўла таъминланган. Иккита душ, 5 та ювиниш, 2 та дазмоллаш, битта гигиена хоналари талабалар хизматида. Ётоқхона ошхонасида истаган таомни тайёрлаш имконияти мавжуд.

Дам олиш, телевизор кўриш, дарс тайёрлаш хоналари алоҳида. Ётоқхона кутубхонаси сиёсий, илмий ва бадийий адабиётлар билан бойитилмоқда.

— Очиғи коллеж ётоқхонаси бунчалик

чиرويли, саранжом-саришта, барча қулайликларга эга деб тасаввур қилмагандим, — дейди ҳамширалик иши бўлими биринчи босқич талабаси Г.Шамшетова. — Яратилган бу имкониятларга яраша аъло ўқишга, етук мутахассис бўлиб етишишга ҳаракат қиламан.

— Ҳар куни навбатчи ўқитувчи билан хоналарни айланиб чиқамиз, қизлар билан суҳбатлашамиз, — дейди ётоқхона тарбиячиси Нағийма Бердимуродова. — Коллеж бошланғич касаба уюшма ташкилоти, «Камолот»нинг бошланғич ташкилоти билан ҳамкорликда ҳар бир кун учун маънавий-маърифий дастурлар белгиланганмиз. Қизларимиз уларда фаол иштирок этадилар. Бошқа коллежларимиз ётоқхоналарининг ҳам ана шундай кўриниш касб этишини хоҳлаймиз. Бунинг учун маъмуриятлар билан келишган ҳолда чора-тадбирлар белгилаялмиз, — дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Лиза Бойбўсинова.

Муҳаббат Тўрабоева,
«Ishonch» муҳбири



Ёш ходимларга ёрдам

2008 йил 5 декабр куни Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази «Ёш оила — давлат таянчи» дея номланган тадбирини ўтказди. Бу ерда 2795 нафар ходим ишлайди. Шулардан 1096 нафари ёшлардир.

Тадбирда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси раиси Гавҳар Абидова ходимларни табриклади: «Барчангизнинг зиммангизда улкан иш — инсон соғлиғини тиклаш, унинг соғайишига кўмак бериш масъулияти турибди. Машаққатли меҳнатингизни қанча тақдирласа шунча оз. Сизларни Конституция ва ҳайит айёми билан муборакбод этамиз. Инсон саломатлиги йўлида қилаётган ишларингизга ривож тилаймиз».

Шундан сўнг 50 та ёш

оилали ходимларга 100 минг сўмдан пул мукофоти топширилди.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази касаба уюшма кўмитаси раиси Наргиза Арипова ходимларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ушбу тадбир билан чекланиб қолмаслиги, эзгу ишлар бундан кейин ҳам давом эттирилишини маълум қилди.

Тақдирланганлардан Болалар хирургияси бўлими ҳамшираси Мухлиса Икромова миннатдорчилигини шундай изҳор этди: «Билдирилган ишонччи оқлаш йўлида барча имкониятимизни ишга соламиз».

Улдона Абдурахмонова,
«Ishonch» муҳбири



«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» ва «Энди ортга қайтмайман...»

Қишлоқларга қайишганлар кам бўлмагай

2009 йилнинг мамлакатимизда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дея номланиши давр эҳтиёжи эканлигига шубҳа йўқ. Тан олиб айтадиган бўлсак, ҳар қандай орзу-истакларимиз бизга оналик қилаётган қишлоқларимиздан бошланади.

Бир пайтлар Бўстон кўрғони ва унинг атрофидаги қишлоқларда маданий-маиший марказлар номигагина мавжуд эди. Шу боис одамлар арзимаган пойабзал таъмирлатиш ёки суратга тушиш учун ҳам анча йўл босиб туман марказига бориб келишарди.

Бир куни ишдан қайтаётиб хотиним Хадичахон гузар марказидаги 15-20 сотих атрофидаги ташландиқ майдончага диққатимни қаратди: «Қаранг, دادаси. Марказнинг қоқ ўртасида шунча майдоннинг харобага айланиб ётиши

сира ҳам ярашмаяпти. Худога шукур, болаларимизнинг қўл-оёғи чаққон. Хўп десангиз, маданий-маиший марказ очиб, қишлоқ аҳли учун қулайликлар яратайлик. Ҳам халққа яхши, ҳам рўзғорга. Нима дейсиз?»

Ушбу таклиф юзасидан кечкурун дастурхон атрофида оилавий маслаҳатлашдик. Қарангки, фикримиз бир жойдан чиқди. Бир қарорга келгач, туман ҳокимлигининг қарори билан иш кўриб, атиги бир йил мобайнида кўркам қилиб қурилган маданий-маиший марказни ишга ту-

ширдик. Саъй-ҳаракатларимиз туфайли нафақат бизнинг қишлоқ, балки қўшни қишлоқлар аҳолиси ҳам суратхона, сартарошлик, пойабзал устaxonаси, бичиш-тикиш, зардўзлик каби ўнга яқин хизмат туридан баҳраманд бўлиб келаяпти. Бугунга келиб янги-янги издошларимиз халқимизнинг мушқулини осон қилишга киришган. Уйлайманки, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» давлат дастури қабул қилингандан кейин бу борада бир-бирига рақобатдош хизмат турлари янада кўпаяжак.

Даврон ВОҲИДОВ,
Кизилтепа туман АСМ ходимлари касабаси уюшмаси кенгаши раиси

«Энди ортга қайтмайман...»

Бундай қатъий қарорга амал қилиб келаётган Барноҳон Мирзамова ўттиз уч ёшда. У Уйчининг Хизробод қишлоғида таваллуд топган. Ҳозир «Кизилравот» уруғчилик тажриба хўжалиги марказида яшайди. — Барноҳон шунчаки кун ўтсинга ишлайдиганлар тоифасидан эмас, — дейди агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси туман кенгаши раиси Обидхон Нишоннов.

Тармоқ касабаси уюшмаси етакчиси билан Барноҳон бошқараётган «Ойдина-Маржона-Моҳидил» фермер хўжалигига етиб келганимизда фермер даласида иш билан банд экан. Бўшагини кутдик. Унганча яна бир ҳамроҳимиз «Равот» шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Обидхон Шоқаламов қаҳрамонимиз ҳақида илиқ гапларни айтди:

— Барноҳон ёш бўлса-да, деҳқончилик илмини мукаммал эгаллаган. Аёл захмати-ни теран англагани боис аввало аёлларга яхши шароит яратишга эътибор қаратди. Мана бу шийпонни ҳам шу мақсадда тиклади. Кўриб турганингиздек, бу ерда 60-65 киши бемалол дам олиши мумкин.

«Жигули»дан тушган Барноҳон бизни куттириб қўйганидан хижолат тортиб маъзур тутишимизни сўради.

— Ота-боболаримиз бугунги ишни эртага қўйма деб жуда тўғри айтишган. Деҳқончиликда ҳар бир кун ҳисобли. Хўжалигимиз аъзоларининг фидойилиги туфайли икки юз ўттиз тоннага яқин пахта ниест-нобуд қилмай йиғиштириб олдик. Энди шуларга таянмасам, суйанмасам, вақтида моддий-маънавий қўллаб-қувватламасам уятга қоламан.

Бундан икки йил аввал у фермер хўжаликларини ташкил этиш бўйича ўтказилган тендерда қатнашиб, рақибларини доғда қолдириб, 124 гектар ернинг қонуний эгасига айланганди. Узоқ йиллар катта хўжаликка раҳбарлик қилган отаси Қосимжон аканинг маслаҳатлари, қолаверса, ўзининг меҳнатсеварлиги самарасини берди. Ўтган йили ғалладан ҳам, пахтадан ҳам қутилганидан зиёда хирмон кўтарилди. Соф фойда ҳам чакки бўлмади. «МТЗ-80» ҳамда «ТТЗ-80» маркали тракторлар сотиб олинди.

Қаҳрамон Ниёзов, Абдуллахўжа Мўйдинов, Собиржон Бекмирзаев каби ходимларнинг баҳамжихатлиги туфайли 46 гектар ердан бу йил 195 тонна бугдой олинди. Ғалладан олинган даромад 35 миллион сўмдан ошди.

Фермер маҳалладаги қариялар, серфарзанд оилаларни нафақат байрам, балки бошқа пайтларда ҳам совға-салом билан йўқлаб туришни қанда қилмайди.

— Кейинги пайтда пахта ва ғалла деб қишлоқда чорвачиликка эътибор сусайди. Боз устига бир пайтлар ўзини оқлаган «ғўза-беда-ғўза» усулидаги алмашлаб экишдек муҳим агротехник тадбир ҳам унутилди. Шу боис мол боқиш режасини туздим. Беда экаяпмиз. Бунда ернинг унумдорлиги ортади. Пахта ва ғалланинг касалланиш даражаси камайди, — дейди фермер.

Яхши ният — ярим давлат, шу билан бирга у инсон умрини безайди, йўлини мунаввар қилади. Буни Барноҳондек мулкдор мисолида кўриш мумкин.

Асқарали МАМАТОВ,
Наманган вилояти

2008 йилда республикамиз бўйича 660 минг янги иш ўрни ташкил этилгани ва бу рақам ўтган йилга нисбатан 105 фоизга ўсгани, энг муҳими, бу иш жойлари асосан ҳаётга кириб келаётган ёшлар учун яратилгани барчамизни сўзсиз қувонтиради ва бундай ишларимизни ҳеч сусайтирмасдан, янада тез суръатлар билан давом эттирамиз.

Пойтахтимизда энг замонавий талабларга жавоб берадиган муҳташам «Ёшлар ижод саройи»нинг барпо этилгани ёш авлодимиз учун муносиб совға бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Шунингдек, Андижон ва Жиззах шаҳарларида ёшлар марказлари қурилиб иш бошлагани минг-минглаб фарзандларимиз учун янги имкониятлар эшигини очиб бериши шубҳасиз, албатта.

«Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш», «Саломатлик-2» лойиҳалари доирасида тиббиёт муассасаларига қарийб 3,5 миллион АҚШ доллари қийматидаги асбоб-ускуналар етказиб берилди.

Жаҳон овқатланиши яхшилаш жамғармасининг 6 миллион долларлик маблағи ҳисобидан ун махсулотларини фортификация қилиш бўйича муҳим чоратадбирлар амалга оширилмоқда.

Япония ҳукуматининг гранти асосида Республика акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти 3,5 миллион долларлик замонавий даволаш-диагностика ускуналари билан жиҳозланди.

Саудия Тараққиёт жамғармаси ва ОПЕК жамғармаси томонидан юртимиздаги 28 та янги мактаб қурилишига 21 миллион, Кувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси томонидан Республика нейрохирургия маркази қурилишига 13 миллион, Ислон тараққиёт банки томонидан 5 та касб-ҳунар коллежи қурилиши учун 10 миллион доллар, Бирлашган Араб Амирликлари томонидан янги мактабларни жиҳозлаш, компьютерлар билан таъминлаш учун 16 миллион доллар миқдориде маблағ ажратилганини қайд этиш лозим.

Шулар қаторида Осие тараққиёт банки, Германиянинг КФВ банки ва Хитой Халқ Республикасининг молия институтлари томонидан коммунал хизмат соҳасини янада ривожлантириш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш учун катта миқдорда маблағ ажратилганини алоҳида таъкидлаш ўринли бўлади.

Ёшларни соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш, оммавий спортни ривожлантириш учун йил давомида 186 та спорт иншоотида катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етказилиб, миллионлаб фарзандларимизнинг спорт билан шугулланиши учун кенг имкониятлар яратилди.

Пекинда бўлиб ўтган 29-Езги олимпиада ўйинларида спортчи ёшларимиз фаол қатнашиб, кескин курашларда 1 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза медалини қўлга киритгани мамлакатимиз спорт ҳаётидаги катта воқеа бўлди.

Худудларимизда ёш оилалар учун уй-жой қуриш ишларига 46 миллиард сўмлик кредит ажратилиб, 15 та кўпқаватли уй фойдаланишга топширилди ва 530 та ёш оила алоҳида квартирага эга бўлди.

Йил охиригача яна шундай 52 та кўпқаватли уй битказилиб, 1 минг 900 та ёш оила квартира билан таъминланади. Шунингдек, 1 минг 300 нафар ёш ўқитувчининг оиласига яхка тартиба уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратилганини ҳам қайд этиш лозим.

2008 йилда Меҳрибонлик уйлари битирувчиларини оилавий турар-жой билан таъминлаш тизими яратилиб, улардан 90 нафарига янги квартиралар берилгани хайрли ишларимиздан бири бўлди.

Агарки бундай эзгу ишлар рўйхатини давом эттирадиган бўлсак, 14 миллиард сўмдан ортиқ ҳомийлар маблағи ҳисобидан 15 мингдан зиёд оилга қорамол берилгани, кам таъминланган ва ёш оилаларга шахсий чорвачилик билан шугулланиш учун 6,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилгани, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш бўйича қилинган бошқа кўп-кўп ишларни айтиб ўтишимиз лозим бўлади.

Муҳтасар айтганда, «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида белгиланган чора ва тадбирларни амалга ошириш учун шу кунга қадар барча манбалар ҳисобидан 1 триллион 248 миллиард сўмдан ортиқ, жумладан, 1 триллион 96 миллиард сўмлик бюджет маблағи, 151 миллиард сўмдан зиёд ҳомийлар маблағи сарфланганини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, уйлайманки, бу борада бажарган ишларимизнинг кўлами ва миқдори яққол намоён бўлади.

Бугунги кунда халқимизнинг аксарият қисмини, яъни 50 фоизга яқинини қишлоқ аҳолиси ташкил этади.

Бундан келиб чиқадиган мантиқий хулоса шуки, юртимизнинг янада обод, халқимиз ҳаётининг янада фаровон бўлиши ва олдимида турган юксак вазифаларнинг бажарилиши, ҳеч шубҳасиз, қишлоқларимизнинг тақдири ва келажаги билан боғлиқ эканини барчамиз яхши англаймиз.

Шу борада олиб бораётган амалий ишларимизни янги босқичга кўтариш мақсадида мен кириб келаётган янги йилга мамлакатимизда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб ном беришни таклиф этаман.

Биз қишлоқларимизни ҳар томонлама ривожлантириш ва обод этиш, мавжуд ижтимоий муаммоларни ечиш учун тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»га бағишланган махсус давлат дастурини ишлаб чиқамиз, албатта.

Қишлоқ жойлардаги инфратузилма тармоқларини — бу уй-жой қурилиши бўладими, табиий газ, тоза ичимлик суви, электр энергияси таъминоти бўладими, йўлларнинг ҳолати, транспорт ва коммуникация хизматлари масаласи бўладими — буларнинг барчасини янада ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги поғонага кўтаришга устувор аҳамият беришимиз даркор.

Шу билан бирга, қишлоқда саноатни, хизмат ва сервис шохобчаларини олиб кириш, ихчам ва замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш ва шу тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан қишлоқ аҳолиси, авваламбор, ёшларни иш билан таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини оширишдек муҳим мақсадлар дастурда ўз ифодасини топиши лозим.

Ер деҳқонни боқадди, деҳқон эса элли боқадди, деган ҳикमत ҳамisha диққатимиз марказида туриши, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги фаолиятимиз мезонига айланиши даркор.

Тафсилот ва тақдимот

Муштарийлар билан учрашув ижодкор учун ҳамиша фойдали бўлган. Кеча тахририятимиз ходимлари ва Ўзбекистон миллий университетининг олий журналистика йўналишида таҳсил олаётган ёшлар ўртасида бўлиб ўтган ижодий мусохаба ҳам шу маънода катта аҳамиятга эга бўлди.

Давра сўхатида «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари бош муҳаррири Абдухалиқ Абдураззоқов ҳамда Ўзбекистон миллий университети журналистика факултети доценти Анвар Каримов журналист этикаси ҳақида мулоҳаза юритиб, ёш мутахассисларга касбий ахлоқ меъёрлари ва ҳаёт чигиригидан ўтган тажрибаларни сўзлаб беришди.

Кизгин фикр алмашув жараёнидан сўнг жорий йилнинг унутилмас тўққизинчи сифатида эътироф этилаётган «Ёшлар китоби»нинг тақдимот маросими бошланди. Тўққизинчи йилдан бери ижод намуналари билан иштирок этган тахририят ходимлари — Ҳасан Нишонов, Умид Яъқубов, Абдулатиф Абдуллаевнинг шеър ва мулоҳазалари йиғилганларда илиқ таассурот қолдириш баробарида, мўъжазгина мушоиранинг дебосчаси ҳам бўлди.

Ёшлар билан бўлган учрашув кўнгаларга ҳам баҳорий эпкинни олиб киргандек бўлди. Бу эса ижодкорлар учун илҳом манбаи бўлиши шубҳасиз. Қуйида тадбир қатнашчиларининг мулоҳазалари билан танишасиз.

Абдухалиқ Абдураззоқов, бош муҳаррир:

— Журналист этикаси ҳар доим биз учун муҳим аҳамият касб этган. Чунки ҳақиқий мутахассис бўлишни истаган киши шу касб тақозоси эътиборини ҳислатларга эга бўлиши, ахлоқ мезонларига амал қилиши шарт. Бу қоида малакали мутахассисга ҳам, бўлажак журналистга ҳам бирдек тегишли. Учрашувимиздан кўзланган иккинчи мақсад эса «Ёшлар китоби»нинг тахририятдаги тақдимот маросимини ўтказишдир. Тўғри, бу китобнинг бош тақдимоти Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтди. Бироқ биз

ҳам тўққизинчи йилдан бери ижод намуналари ўрин олганлиги туфайли маънавий жиҳатдан ўзимизни ҳақли ҳисобладик ва ушбу анжумани ўтказишга қарор қилдик.



Анвар Каримов, ЎЗМУ доценти:

— Бугунги сўхатимизнинг энг асосий мавзуси касбий ахлоқ қоидалари экан, аввало бу тушунчанинг илмий илдиэларига назар ташлаш керак. Чунки тарих энг яхши муаллим. 1985 йилдан бери университетдаги рус ва ўзбек гуруҳларига журналист этикаси фанидан дарс бериб келаман. Бизда ўтган асрнинг 20-йилларидаёқ бу масала кўтарилган. Ҳатто кўлланмалар чоп этилган. Бироқ кейинги даврларда бу соҳадаги дарсликларнинг тақчиллиги кўриниб қолган эди.

Мен ҳар доим шоғирдларимга бу соҳада ишлаш қанчалик заҳматли бўлса, шу қадар масъулият юклаши ва шараф келтиришини эслатишдан чарчамайман. Ҳақиқий журналист ҳолилик, одиллик тамойилларидан чекинмаслиги керак. У давлат ва халқ ўртасидаги кўприк вазифасини ўтайди. Бу кўприкнинг мустаҳкам бўлиши тамо-

йилларнинг қанчалик устувор бўлишига боғлиқ.

Абдулатиф Абдуллаев, «Ishonch» газетаси муҳбири:

— Жорий йилда ёшларга катта имтиёзлар берилди. Бугун биз тақдимотини ўтказётган китоб ҳам мана шу имтиёз, эътибор, ғамхўрликнинг ифодаси ўлароқ дунёга келди. Тўққизинчи йилдан бери ижодкорнинг ҳар бири ўзига хос иқтидор эгаси. Китобнинг чоп этилиши, ундан асарларимизнинг ўрин олиши тахририятимиз ёш ижодкорларини ҳам янги муваффақиётлар сари йўллайди деб ўйлайман.

Бегзод Ҳақимов, талаба:

— 9-10 йилдан бери «Ishonch»ни ўқиб келаман. Отам тармоқ касба уюшмаси етакчиси бўлганлиги учунми ҳар доим сеvimли нашримизни уйга олиб келиб туради. Қувонарлиси шундаки, сўнгги йилларда газета янада ўқишли бўлиб бормоқда. Таҳсил дав-



рида бир фандан «Агар мен бош муҳаррир бўлсам...» мавзусида назорат иши ёздик. Бу саволга жавоб излашда, ўзимнинг турли ғоя ва режаларимни таҳлил қилишда айна шу газетада кўтарилаётган мавзуларнинг долзарблиги, меҳнаткашларни ҳимоя қилувчи асосий ташкилотнинг қизгин ҳаётини асос қилиб олдим. Ўйлайманки, сеvimли нашримизнинг нуфузи ва тиражи бундан-да ошиб бораверади.

Гулруҳ Тошматова, талаба:

— Бугунги учрашувда кўтарилган фикрлар, устозларимиз ва тажрибали журналистларнинг касбий маҳоратни оши-

риш борасида берган маслаҳатлари жуда фойдали бўлди. Юқорида яхши мутахассис бўлиш учун ижодий муҳит зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Менимча, бирор касбнинг устаси бўлишга оила бағриданок ҳаракат қилиш керак. Ота-она фарзандининг комил шахс бўлиб тарбияланиши учун масъул эканлигини унутмаслик лозим.

«Ishonch» муҳбири Дилдора РАҲМОНОВА ёзиб олди



Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Ўзбекистон мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан ёш кинорежиссёр Аюб Шаҳобиддинов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони берилди.

Эътибор берган бўлсангиз, кейинги уч-тўрт йилда унинг номи нуфузли анжуманлар ва газета-журналларда тез-тез тилга олинадиган бўлди. Умидли режиссёр ўзининг ижодий йўлини халқимизнинг сеvimли адаби Чўлпоннинг ҳикояси асосида суратга олган «Қор кўйида лола» фильми билан бошлаган эди. У мазкур фильми билан муҳлислар назарига тушди. Ҳатто нуфузли анжуманларда ҳам бу фильм нозиктаъб ҳайбат аъзоларининг эътиборида бўлди. Россияда ўтган кинофестивалда эса «Қор кўйида лола» мукофотга сазовор бўлди.

А.Шаҳобиддинов яратган миллий қиёфа кўпчиликини оҳанрабодек ўзига тортиб турарди. Шу боис у кейинги асарларида ҳам ўзбек қиёфаси ва миллий характерини яратишга интилди. «Кўргүлик», «Севинч», «Ўтов», «Телба» каби фильмлари билан ижодий салоҳиятини намоён этди, ўзбек киносанъатининг нималарга қодирлигини кўрсата олди. Айниқса, «Ўтов»да унинг истеъдоди ёрқин акс этди. Истиқлол саодати, озодлик қадрига бағишланган бу фильмда яқин ўтмишдаги қора кунлар фожиалари, уларнинг одамлар ҳаётига таъсири қахрамонларнинг ҳаёт тарзи, ўй-хаёл-

лари орқали экранга кўчирилган. Фильм сценарийсини Ёлқин Тўйчиев ёзган.

Картинани томоша қиларкансиз, чанқовузнинг мунгли навоси ўзига ипсиз боғлаб олади. Кино руҳига ҳамоҳанг янграб турган куй томошабин юрагининг туб-тубига етиб боради.

...Фильм қахрамони Убай-

гини тилка-пора қилган бу айрилиқ уни буткул одамлардан узоклаштиради. Гўдагини олиб тоғ-тошларга кетади. Ям-яшил тоғлар бағрида ўтов тикиб яшайди. Ана шу кенгликларда ўзини эркин ҳис қилади. Йиллар ўтиб ўғли ҳам улғаяди. Аммо у отасини тушунмайди. Уни одамлардан ажратгани учун маломат қилади. Охири ота

яқинларидан зулм кўрган гунг бир аёл кириб келади. Убайдулла у билан ҳаётини боғлайди, бахтга интилиб яшайди.

Фильмда актёр Нозим Тўлахўжаев талқин этган бош қахрамон — Убайдулла образи алоҳида эътиборга сазовор. Қахрамоннинг ниҳоятда зиддиятчи ички дунёсини очиб беришда унинг ўзига хос ис-

ри Алмати шаҳрида бўлиб ўтган «Шакан юлдузлари — 2008» халқаро кинофестивалида «Ўтов» бадий фильми ҳам намойиш этилди. Нуфузли анжуманда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан вакиллар қатнашди. Фестивалда тақдим этилган 164 фильм орасидан «Ўтов» «Миллий қадриятларнинг замонавий жиҳатдан теран ёритилгани учун» номинациясида голиб деб топилди ва махсус диплом билан тақдирланди. Шу билан бирга фильм режиссёрига жаҳон киносанъатининг дурдоналарини ўз ичига олган ДВД дисклари топширилди.

— Озодлик қадри нақадар баландлигини фильми томоша қилиб яна бир бор ҳис қилдим, — дейди Тошкент молия институтининг 3-босқич талабаси Феруз Эргашев. — Авваллари биз ватан озодлиги ҳақидаги хорижий фильмларини сеvim томоша қилардик. Энди улар қаторига ажойиб миллий фильмлар ҳам қўшилди. Зулфиқор Мусоқовнинг «Ватан», Аюб Шаҳобиддиновнинг «Ўтов» фильмлари шулар жумласидан. Ана шундай фильмлар кўпайса яхши бўларди.

— Мустақиллик кунлари телевизор орқали «Ўтов» фильмининг кўриб маза қилдик. Бўлар экан-ку шундай кинолар яратса! — дейди кекса педагог, уруш ва меҳнат фахрийси Тўра Жўраев. — Фильм ёш авлоднинг маданий савиясини ошириш, уларни ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда беқиёс аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу фильмда зулмкор тузум тенглик ниқоби остида оддий одамлар тақдирини қанчалик ўзгартириб юборгани ҳаққоний тасвирланган. Ўтган кунлар фожиаларини унутишга эса ҳаққимиз йўқ.

А. НАБИЕВА

Истиқлол саодати

ёхуд кинорежиссёр Аюб Шаҳобиддинов фаолиятига бир назар



дулланинг қисмати оғир кечади. Хорлик-зорлик, қатағон ва етимлик ситамлари уни одамлардан узоклаштиради. Айниқса, отасидан бевақт жудо бўлиши унинг яшашга, ҳаётга бўлган умидларини йўққа чиқаради. Шундай хўрликлардан қалби яраланган Убайдулладан бахт яна юз ўгиради. Севган ёри ёлғиз ўғлини дунёга келтириб, ўзи ҳалок бўлади. Юра-

товини тарк этади. Одамларга интилиб яшайди. Уни афгон урушига жўнатишади. Отасини, ўз ўтовини ташлаб кетган ўғил бу урушнинг ҳеч кимга нафи йўқлигини, унинг вайронкор уруш эканини англайди.

Дилбандидан олисда қолган отанинг дарди дунёси яна ҳам қоронғилашиб кетади. Шундай кунларнинг бирида унинг ҳаётига мунис ва мушфик,

теъдоди намоён бўлган. Шу ўринда халқаро кинофестивалда ана шу роли учун Н.Тўлахўжаев «Энг яхши эркак роли ижроси» номинацияси бўйича совриндор бўлганини таъкидлаш жоиз.

Гунг аёл ролини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Шодиева маромига етказиб ижро этган.

Шу йил 23 — 28-май кунла-



Яқин йилларда машинасозликда янги эра бошланганига гувоҳ бўладиган кўринамиз. Гап шундаки, мутахассислар бўлгуси автомобилларнинг ҳавода училиши башорат қилишаётир. Баъзан кўчаларда ҳосил бўладиган тикилинчдан ҳатто лип-лип чирок (мигалка)лар ёрдамида ҳам ўтиш мушкул бўлиб қолади. Қарангки, келгуси йилда ҳеч қандай тўсиқ билмайдиган автомобил харид қилиш имкониятига эга бўлар эканмиз. Чунки бундай машина йўлда ҳаракатланиш баробарида уча олади.

Учар автомобиллар

Учар автомобилни Американинг Девис шаҳридаги кичик бир компания ихтиро қилган. Унинг толмас раҳбари, автоқурилиш бўйича мутахассис Паул Моллер, 1960-йиллардан буён шундай автомобил яратиш устида иш олиб боради. У тез-тез оммавий ахборот воситаларида ижоди маҳсулини кўз-кўз этиб, ҳадемай уларни сотувга чиқаришини айтиб келарди. Ниҳоят, ўша кун келган кўринади. Моллер яқинда M200X маркали автомобилнинг бир неча намуна нусхасини яратганини, харидорларга уларнинг ҳар бири тахминан 100 минг долларга сотилишини эълон қилди.

M200X қисман «учар лycopча»га ўхшаб кетади. Машина яратиш асосида конструкторни айнан мана шу шакл қизиқтириб қолди. У ёки бу унсурларни қўллаб, 40 йил мобайнида у бир неча намунавий маркани ихтиро этди. Мазкур автомобилларнинг айримлари ростдан ҳам уча олар, узоқдан қараганда ҳатто НУЖ (номаълум учар жисм)ларга ўхшаб кетарди.

Моллернинг сўзларига қараганда, охириги моделлар ичида энг ишончли ва кулайидир. Машинага енгил, лекин қуд-

ратли двигател ўрнатилган. У «Банкел двигатели» номи билан муҳандисларга яхши таниш. Дарвоқе, уни фақат бензин билан эмас, спирт билан ҳам ҳаракатга келтириш мумкин.

Икки ўринли «ликочча»ни ҳавода лаппак шаклидаги корпус орасидан ўтган вентиляторлар ушлаб туради.

M200X вертикал ҳолатда ҳавога кўтарилиши, кўниши мумкин. Соатига 200 км. тезликда учади ёки ҳавода муяллақ тура олади. Парвоз учун учувчига махсус билим ёки тажрибанинг ҳожати йўқ. Учиш ва кўнишни компьютерлар бошқаради. Керакли баландликка кўтарилиш, барқарор парвозни таъминлаш, хавфли манёврларга йўл қўймаслик, тўқнашиб кетмаслик чораларини ҳам компьютер зиммасига олади. Бошқарув автомат-ўйинларда бўлганидек ягона даста ёрдамида амалга оширилади. Учиш-кўниш учун «ликочча» ҳажмидаги майдонча бўлса кифоя.

Уч гилдиракли мазкур «НУЖ»ни мотоциклга ўхшатишмоқда: гилдираклар ёрдамида гараждан ёки тўхташ бекатларидан бемалол учиш нуқтасига етиб олиш мумкин.

— Ердан атиги 4 метр ба-

ландликка кўтариладиган бўлса, уни учувчи аппарат сифатида рўйхатдан ўтказиш ҳам шарт эмас эди, — дейди конструктор. — Аппаратимиз бир неча юз метр баландликка кўтарилишга қодир...

Моллер M400 самолётига ўхшаб кетадиган бошқа бир машинани ҳам ишлаб чиқаришга тайёрлаб қўйибди. Уни «Skyar» — «ҳаво автомобили» ҳам дейиш мумкин. «Ҳаво автомобил»нинг фаройиб қаноти, тўрт ўринли кабинаси бор. Парвоз жуда катта тезликда айланадиган паррақлар ёрдамида амалга оширилади. Баландликка кўтарилиш ва тезлик суръати ҳам самолётларга яраша — соатига 100 километр.



Конструкторнинг айтишича, «Skyar»га аллақачон 100 дан ортиқ буюртма тушган. Муҳандис бошламасига бир йилда 500-1000 та учар автомобил ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда. Уларнинг нархи кичик самолёт ёки вертолёт баҳосида — 500 минг доллар атрофида бўлади. Моллернинг фикрича, бу унча қиммат эмас. Масалан, ерда катта тезликда ҳаракатланадиган «Феррари» экипажидан арзон. Ёппасига

ишлаб чиқариладиган бўлса, учувчи шахсий «НУЖ» 60-80 минг долларга арзонлашиши мумкин.

— Учар автомобилнинг двигатели ишламай қолса, нима бўлади? — сўрашади бўлгуси мижозлар Моллердан.

— Двигател битта эмас, иккита! — дейди Моллер. — Ҳар иккала моторнинг бирданига ишдан чиқиши амалда мумкин эмас. Лекин шунга қарамай, ҳар эҳтимолга қарши, учар автомобилларга парашютлар ўрнатилган. Парашютлар аппарати йўловчилари билан ерга юмшоққина қўндириб қўяди.

Интернет хабарлари асосида Р.МУҲАММАДИЕВ тайёрлади



Давр шиддат билан ривожланаётир. Кечагина биз учун мутлақо мураккаб ёки мавҳум тушунчалар бўлмиш интернет, пейзаж, рақамли технология, мобил алоқа ҳозир ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган. Тан

олиш керакки, кўпчилигимиз ҳаётимизни уларсиз тасаввур қила олмаймиз. Шу боис бугун ривожланган давлатларда кенг тарқалган ва аста-секин мамлакатимизга ҳам кириб келаётган баъзи янгиликлар урфлар моҳияти хусусида билиб қўйсак, фойдадан холи бўлмайди.

«Dress-code», «look», «style» ва шунга ўхшаш тушунчалар кейинги пайтларда қулоққа тез-тез чалинмоқда. Лондон оксужлари доирасида пайдо бўлган биргина «dress-code» тушунчаси сўнгги юз йил мобайнида дунёнинг барча йирик ва тараққий этган шаҳарларида оммалашди. Тасаввур қилиб кўринг-а: замонавий ҳаётни тарғиб қиладиган хонадондаги тантанали маросимга ёхуд нуфузли бир тадбирга таклиф қилиндингиз. Сизга келтирилган таклифноманинг пастки қисмида СВ, СТ, А5, А5 black tie тарзида ёзилган сирли қисқартмалар бор. Аввалари ҳеч бунақасига кўзингиз тушмагани боис бироз каловланишингиз шубҳасиз. Ушбу шартли белгилар сиз чақирилган тадбирга қандай либосда келишингиз кераклигини аниқлатади. «Dress-code» одатда таклифнома матнининг охирида бирор ҳарф ва рақамлар

билан ифодаланади. Унинг ёрдамида ҳаммиша айтилган жойга мос кийимда бориш мумкин.

Энг дабдабали «dress-code» — оқ бўйинбоғ (white tie) киборлар учун мўлжалланган ҳамда VIP таклифномаларда акс этади. Бунинг ўз тарихи бор.

Хорижда кўплаб тантаналар, нуфузли учрашув ва маросимларнинг ўз либос аънаналари

тив руҳдаги уст-бошни мукамал қилиб кўрсатади.

Россияда расмий «dress-code» сифатида смокинг кенг тарқалган. Бу ҳолатда таклифномада «қора бўйинбоғ» (black tie) ёки «смокинг» (Tuxedo) қабилдаги ёзув бўлади. Смокинг одатда қора рангли, кўкрак қисми кенг очилган, узун ипак ёқали камзул. У билан бирга қора рангли капалакнусха бўйинбоғ ва камар тақиш одат тусига кирган. Шунингдек, ҳатто пойабзал ва унинг боғичлари ҳам қора тусда бўлиши керак. Фрак билан лакланган туфли кийилса, смокинг билан кийиладиган туфли лакланмаган бўлиши даркор. Акс ҳолда

ранг ёки камдан-кам ҳолларда қора рангдаги аънанавий оддий костюм киядилар. Оқ кўйлак ва ипак галстук билан одми рангдаги костюм ҳатто давлат бошлиғи ва унинг рафиқаси номидан уюштирилган расмий қабулларга ҳам мос келади.

Агар таклифномангизда «Semi-formal», «Black tie optional» «Coctail» деб ёзилган бўлса, демак, эркақлар смокинг билан енгисиз кўйлак кийиб, бошқа рангдаги галстук тақиб боришлари кўзда тутилади. Башарти кеча норасмий бўлса, трикотаж жемфер устидан камзул кийиб бориш мумкин.

Шунингдек, қуйидаги кўринишдаги қисқартмаларга ҳам дуч келишингиз мумкин: СТ (Casual travel) саёҳатларда кийиладиган, эркин кийиниш услубини билдирса, А5 (after 5) — соат 17 дан кейин кийиладиган либосларни аниқлатади.



Дресс-кодни фақат тантанали маросимларнинг асосий этикети деб қабул қилмаслик керак. Ходимларнинг, коллеж ёки лицей ўқувчиларининг офисда, ўқув муассасасида аънанавий кийим-бошда юришлари ҳақидаги талаблар ҳам корпоратив дресс-коддир. Айниқса, фарбдаги йирик корпорацияларда талаб жуда каттиқ: шартноманинг бир неча бандида ходимнинг қандай кийим кийиши лозимлигидан тортиб, костюм матосигади полиэстер миқдоригача тўлиқ кўрсатилади. Табиийки, бундай компаниялар қўл остидагиларга юқори маош белгилашади ва ёзда ҳам узун енгил костюмда бемалол ишлашлари учун офисни кучли совутгичлар билан жиҳозлашади.

Жамшид НИЁЗОВ, журналист

Замонга ҳамнафас бўлай десангиз...

мавжуд ва бунга қатъий амал қилинади. Мисол учун, «Оскар» мукофоти тақдими, сарой баллари, киборлар оиласининг турли тантаналари, Нобел мукофотининг тақдимида, одатда қоидага кўра, фрак билан бирга оқ нимча кийилади ва шу рангдаги капалакнусха бўйинбоғ тақилади. Бунинг акси бўлган қора рангдаги нимча ва бўйинбоғ шундай маросимларда хизмат қилувчи машшоқ, хонанда, официнат ва хизматчиларга хос либос саналади. Бундан ташқари, қадди қомат расо кўриниши учун оқ кўйлакнинг ёқаси яхшилаб оҳорланган бўлиши керак. Лакланган қора пойабзал ва кимматбаҳо соат консерва-

кўпчиликка томоша бўлиш ҳеч гап эмас. Яқиндагина эркақлар байрам либосининг яна бир тури — спенсер (атлас ёки ипак ёқали камзул) пайдо бўлди. Смокингдан фарқли ўлароқ, бу либосни кун бўйи кийиб юриш, унга мос тарзда капалакнусха ёки оддий бўйинбоғ тақиш мумкин. Чет элда никоҳ маросимлари, юбилей ва миллий байрамларга «Formal dress-code» аънанасига мувофиқ кийиниш маъқул: эркақлар йўл-йўл чизиклари деярли билинмайдиган тўқ кўк, тўқ жигар-



Эркақлар мода олами

Муносиб нишонланди

Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган байрам тадбирлари ҳақида мухбирларимиз хабар қилади:

Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида «Конституция — бахтимиз кафолати» мавзусида танлов бўлиб ўтди. Унда вилоят адлия бошқармасининг «Адолат», давлат нотариал идораларининг «Хумо», ФХДБ бўлимларининг «Адолат-1» ва «Суд ижроочилари» гуруҳлари аъзоларининг Конституцияни ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш юзасидан билимлари қизиқарли шарт ва саволлар асосида синалди. Ҳакамлар ҳайъати бир овоздан «Адолат» жамоасини биринчи ўринга лойиқ деб тоғди.

Сурхондарё вилоятидаги мактабгача таълим муассасаларида Конституция 3 босқичда ўрганилади. Ҳуқуқий ва маънавий-маърифий тадбирлар ойлигида Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кунни таълим муассасаларида кенг нишонлаш режаси ишлаб чиқилиб, мутахассислар иштирокида учрашувлар ташкил этилди. «Сиз қонунни биласизми?», «Сиз ҳуқуқингизни биласизми?» танловлари уюштирилди. Юқори синф ўқувчилари ўртасида «Қонун устуворлиги — жамият таянчидир» мавзусида иншолар конкурси ўтказилди.

Хабарлар оқимидан

Шахрисабзда байрам муносабати билан миллий спорт марфони бўлиб ўтди. Мусобақа уч босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқич туман ва шаҳарлар марказида, иккинчи босқич вилоят миқёсида ташкил этилди ва Қорақалпоғистон, барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри терма жамоалари беллашдилар.

Яқиний босқичда 17 ёшгача ҳамда 17 ёшдан катталар ўртасида голиблар аниқланди. Эркалар 10 км, аёллар эса 5 км масофага югуришди. Марафон якунида бир қатор номинациялар бўйича ҳам голиблар эълон қилинди.

Пойтахтимизнинг Темирийўлчилар санъат саройида Адлия вазирлиги томонидан адлия идоралари ва муассасалари ходимлари ўртасида эълон қилинган «Конституция — буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати» номли танловнинг республика босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан сараланган 14 та гуруҳ ўзаро баҳслашди.

Тадбир сўнггида энг юқори кўрсаткичга эришган гуруҳлар Адлия вазирлигининг 1, 2, 3-даражали дипломлари ҳамда қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди. Фаол қатнашчилар фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Хоразм вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ҳуқуқшунослар билан ўтган давра суҳбати ҳам барча учун қизиқарли бўлди. Унда вилоят адлия бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Т.Бобожонов, бош мутахассис Ш.Содиқов, жамоат ташкилотлари бўлими бошлиғи О.Қаландаровлар Конституциянинг асосий принциплари хусусида тўхталиб, ишчи-хизматчиларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Ўз мухбирларимиз

— Темир, нима демоқчисан?

— Дастурчилар курси ҳақида сўрамоқчи эдим.

— Кечирасан, кейинроқ гаплашсак бўлмайdimи?

— Майли...

— Бу Темир Ҳайдаралиев, — деди коллеж директори Галина Дубровина менга ўгириларкан.

Билсам, Темир тошкентлик бўлиб, кўзи ожиз экан. Сомондан расм яратиш сезимли машғулоти бўлган, энди эса дастурчи бўлмоқчи. У доимо қандайдир янгиликка интилади, одам кўп нарсани билиши керак деб ҳисоблайди.

Улар билан танишар эканман, ўқувчилар орасида истеъдодлилар кам эмаслигига амин бўлдим.

Биринчи тикиш цехидан машиналарнинг гув-гуви эшитилади. Улар янги эмас, аммо яхши ишлайди. Биринчи курс талабалари ишлаб чиқариш устаси Рена Алиева газламани қандай жойлаштираётганини диққат билан кузатишади ва сурдотаржимон Дилдора Мирсаидовага назар ташлашади.

— Бу ердагилар гунг қизлар, — изоҳ беради Галина опа. — Ренанинг тажрибаси катта. Дарвоқе, у ишлаб чиқариш усталари ўртасида ўтказилган «Энг яхши мутахассис» танловининг голиби бўлди. Дилдора эса шаҳар гунглар жамияти ҳузуридаги сурдотаржимонлик курсини битириб коллежга ишга келди. Бу қиз бизнинг юлдузимиз, «Ахборот» дастурида таржимонлик қилади.

Ишлаб чиқариш устаси Надежда Даниленко ўтказган машғулоти бизни ҳайратга солди. Бир гуруҳ қизлар тўқишни ўрганаётган эди. Ахир, улар ҳеч нарсани кўришмайди-ку! Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари. Мана, Гулжаҳон Ҳожиева болаларнинг қизил кофтачасини тўқиб бўлиб, бошқа ишга киришиб кетди.

— Ҳозир технология ва моделлаштириш дарси, — тушунтиради Надежда опа. — Бизда ўқитишнинг ўзига хос жиҳати бор. Кўрларда сезиш қобилияти кучаяди. Ўқиш жараёни махсус намуналарга асосланади. Ҳар бир дарсга намуна тайёрлаймиз, нақшлар нозик дид билан танланади.

У деворлардаги ўқувчилар яратган буюмларни фахр



Чилонзор тумани Лутфий кўчасида жойлашган коллеж республикамизнинг кўхна ўқув юртларидан бири. У Ижтимоий таъминот халқ комиссариати ҳузурида хунар-техника мактаби сифатида ташкил этилиб, кейинчалик Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги имконияти чекланган шахслар ўқитиладиган касб-хунар коллежига айлантирилган. Бу ерда 15 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар таълим олади.

билан кўрсатади. Улар ҳақиқатан ҳам жуда ажойиб. Қизлар ота-оналарига, яқинларига совға қилиш учун рўмол ва нимчалар тўқишяпти.

Бошқа синфда янги оппоқ «Бразерс» тикув машиналари ялтирайди. Улар турган столлар ҳам қизларнинг бўй-бастига монанд. «Викинг» маркали тўқув машинасига қизиқиш катта. Бировининг ортида бир қизча ўтирибди. Майин бахмал бахя-

битирган. Гунглар орасида шахмат бўйича ўтказилган халқаро турнирда олтин медални қўлга киритди.

Ишлаб чиқариш устаси Қаҳҳор Сатторов шу коллежни тугатган. Сўнг бошқа жойда билимини оширган. Дилдора Абдуллаева шу коллежда тикувчи касбини эгаллаб, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтидан

ий-ҳуқуқий реабилитация қилиш ёшлар маркази раҳбари Гулжаҳон Маҳматқулова ташкил этаётган тренингларда улар кўп саволларга жавоб оладилар. «Oydin hayot» соғлом ҳаёт тарзини

Ишонч чегарасидаги имконият



сига гулларни «чизаяпти».

Информатика хонасида биринчи курс ўқувчилари устоз Дилдора Сулаймонованинг гапларини диққат билан тинглаяпти. Бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими улар учун ажойиботларга тўла бир олам.

Ҳозирги пайтда коллежда республикамизнинг деярли барча вилоятларидан келган 450 киши таҳсил олаяпти. Ўрганадиган соҳалари кўп: бичувчи, мураккаб маиший техникалар, телерадиоаппатура устаси, электрон ҳисоблаш оператори...

Талабалар ҳаётини қайси касбга бағишлашини мустақил ҳал қилади. Масалан, Жасур Жумаев ўтган йили «Келажак овози» республика ижодий танловида иштирок этди. Унинг расмлари нафислиги билан ажралиб тургани учун энг яхши деб тан олинди.

Сирожиддин Зайниддинов 17 ёшда. Жиззахда туғилган. Тошкентдаги 106-ихтисослаштирилган интернатни

ўқиган, ҳозир инглиз тилидан дарс беради. Коллежни битирганлардан уч нафари Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида таълим олишади.

— Болаларимиз ажойиб, — дейди ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Хулқар Аҳророва. — Уларнинг ўз олами бор. Сохталикни ёқтиришмайди, самимий бўлсанг қалбини очишади.

— Коллежимизга, — дейди Галина опа, — Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги катта ёрдам беради. Машғулоти ўтказиш учун ҳамма шароит бор. Хоналар яхшигина жиҳозланган. 2 та компьютер синфи бор. 250 ўринли ошхонада болалар уч маҳал овқатланади. Ётоқхона 400 ўринли. Барча болалар иссиқ кийим билан таъминланган. «Дамас» автомобили ажратилган.

Маданий-оммавий ишлар юқори даражада олиб борилади. Музейларга экскурсия ва концертлар бепул. Ёшлар ҳаётида республика ногиронлар жамияти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгаши фаол иштирок этмоқда. Айниқса, Марказий кенгаш «Ёшлар йили» дастурига мувофиқ 12 жилдли Ўзбекистон миллий энциклопедиясини коллеж кутубхонасига тақдим этди. «Ёш тикувчилар» танлови голибларига тармоқ қасаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар берилди.

Тошкент шаҳар «Милениум» ногиронларни ижтимо-

тарғиб қилувчи республика маркази, Аҳоли бандлиги, меҳнат ва ижтимоий муҳофаза қилиш республика илмий маркази қизиқарли семинарлар ўтказмоқда.

Ҳар йили ўртача 250 киши ўқишни битиради. Коллеж дипломини олганлар республикамизнинг турли вилоятларида, ҳатто хорижий мамлакатларда ҳам меҳнат қилишмоқда.

Коллежнинг янги биносини қуриш режалаштирилмоқда.

Лойиҳада ўқув биноси, ётоқхона, спорт заллари мавжуд. Аммо ўқувчиларнинг орзуси чексиз. Ногиронлар қишки боғи, уй кинотеатри, кўрлар учун компьютер, брайл тизимидаги клавиатуралар бўлса қанийди.

«Нью Хоуп» реабилитация маркази директори жаноб Роналд Хонг коллеж ҳаётида фаол иштирок этмоқда. У совға қилган матолардан тикувчиларнинг машғулотларида фойдаланилади, кабинетлар безалади. Жаноб Хонг талабаларга бепул протезлар қилиб беради. Бир куни биз билан суҳбатда у шундай деган эди: «Қандайдир имконияти чекланган киши ногирон эмас, юрагида меҳри йўқлар ногирондир».

Биз эса мақоламизни француз файласуфи Дени Дидронинг сўзлари билан якунламоқчимиз: «Кишиларга ким кўпроқ бахт анто этса, ўша энг бахтиёр инсондир».

Светлана СКЛАДКОВА, Улдона АБДУРАХМОНОВА



Жек Лондон эндигина ёза бошлаган кезлар икки йил ичида нақ 310 марта қўлёзмасини қўлига қайтариб беришган эди. «Мен барибир муваффақият қозонаман», — деганди у. У охири муваффақият қозонади, катта бойликка эга бўлади. «Унинг ҳаётидаги ана шу бетартиблик, алғов-далғов, тўполонлардан асил дурдоналар яратилди», — деб ёзган эди француз адиби Франсуаза Жиру.

Жек Лондон нафақат XX аср Америка, балки жаҳон адабиётига бетакрор, беқиёс ҳикоялари, ҳақиқий ҳаёт нафаси уфуриб турган қисса-романлари билан катта ҳисса қўшди. Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган эсседа ёзувчининг ўзига хос портрети чизилади.

Қароқчи, ҳаддан ташқари қайсар, қизларнинг бошини айлантиришга моҳир келишган йигит, ароққўр, олтин изловчи, жанжалкаш Жек Лондон — ана шу хислатларни ўзида мужассам этган инсон кўпдан-кўп саргузаштларни бошдан кечирган эди. Том маънода ҳам Жек Лондон ҳар қандай Америка адибидан кўра ўз ҳаётини қаҳрамонлиқлари жасорат билан «безай» олгандики, худди шу жиҳатлар уни ҳалокатга маҳкум этади: у қирчиллама қирқ ёшида дунёдан кўз юмади. Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, ёзувчи ҳаётининг ўзи, таржимаи ҳоли худди ҳикоя, қиссалари каби рангбаранг ва жозибали эдики, айни шу хислатлар асарларининг чиндан жаҳон адабиётининг олтин саҳифаларига айланишига сабаб бўлди.

Жек Лондон Калифорнияда таваллуд топди ва ҳаёт йўлидаги дастлабки одимлариданоқ мустақил оёққа туришига, ўзини-ўзи боқилишига тўғри келди. У балиқ ови билан шуғулланди, Оклендга яқин денгиз бўйларида еишлик денгиз моллюскаси — устрицаларга тузоқ қўйди, ўғай отасининг фермасида қора терга ботиб меҳнат қилди.

Тенгқурлари мактабда сабоқ олаётган чоғда Жек мардикор, қарол каби кунига ўн икки соатлаб консерва заводда сиркаланган майда сабзавотлар банкасини бураб чиқди. Ўн беш ёшли Жек — устрица қароқчиси, қоқ ярим тунда мижжа қоқмай денгизда хавфли овга йўл олди. Вазият хавфли, қайғининг эшак қулоғи латта билан ўраб ташланган, мабодо ундан, худо кўрсатмасин, гижир этган сас чиққудай бўлса, нақ пешонангдан отиласан. Соҳилда устрица, денгиз мушуклари тўпланадиган жойда пайт поилаб турган соқчилар ҳеч кимни аяб ўтирмайди. Бир кун Жекнинг қайғи ёниб кетади. У энди ўғринча овчидан чин овчига айланади. Жек бу сафар балиқ муҳофазачилари бўлмиш патрул сафида яқинда ўзи улардан бири бўлган устрица қароқчилари пайига тушади. Уларни излаш ва Сан-Франциско соҳилларидаги контрабандачиларни қўлга тушириш билан шуғуллана бошлайди. Узун жанжаллар билан курулланган, бу ердаги полициячилар устидан назорат ўрнатмоқчи бўлган хитойликлар тўдаси хўжайин бўлиб олган бандаргоҳда ёш Лондон айшини суради, газакхона-барларда кайф-сафо қилади, ғирт маст ҳолда жанжал кўтарди. Унинг ҳамшишалари — балодан ҳам тап тортмайдиган безорилар арзиманган устрица деб бикинингдан дарча очиб қўйишлари ҳеч гап эмас.

Жекнинг болалиги шу тариқа ўтди. Тан олиб айтадиган бўлсак, у менинг болалигим бўлмаган деб айтишга ҳақиқи эди. Ҳа, у оилада ҳам аутсайдер сифатида ҳаммадан орқада қолиб кун кўрди. Албатта, агар у чиндан ҳам оила ҳаётида катнашган, рисоладаги болалар каби яшаган бўлса, шундай дейиши мумкин эди. Жекнинг онаси Флора Уэллман бир вақтлар интерлама дардига мубтало бўлган ва бу касаллик асоратидан мунтазам азият чеккан тажанг ва ҳижзаки аёл эди. Ўз кўзлари билан кўрган кишиларнинг гувоҳлик беришларича, Жекнинг ўзи кўрмаган отаси Уилям Чейни эса кўча-кўйда дайдиб юрадиган бир дарди бедаво, таъвия эди.

Дунёда ўсмир Жекка эътибор ва меҳр кўрганга ягона инсон Жон Лондоннинг қизи Элиза эди. Жекнинг онаси Флора юқорида айтиб ўтганимиз такасалтанг Чейни ташлаб кетганидан сўнг бировдан яхшилигини аямайдиган, бироқ жуда касалманд фермерга турмушга чиққан бўлиб, унинг қизи Элиза Жекка опаларча меҳрибон эди. У уйга юзлари кўкариб, гўрра бўлиб қайтганида Элиза дарров табиб бўлар, жанжални пулга сотиб оладиган урушқоқ, безори ва қайсар болага сабр-тоқат билан меҳр кўрсатар эди. Элиза Жек кўлинча уйкуга ётганида у яхши кўрадиган китобларни ўқиб беради. Эҳтимол бола ҳаётидаги ўта мураккаб ва ўзгариб-дворда Элиза опасининг Жекка кўрсатган гамхўрлиги жаҳонга бўлуши буюк ёзувчини етиштириб бергандир.

Жекка ҳаётида камиди уч марта ўлим хавф солади. Бир марта ақлдан озгунча бўкиб ичиб, нақ ўлаёзди. Яна бир гал қаттиқ кайф устида борддан йиқилиб тушади ва уни аранг денгиз қаъридан олиб чиқадилар. Бир кун эса, ўзининг таъбирича, «релслар бўйлаб саёҳат қилади», яъни вагон остига ўтириб олганча Америка бўйлаб темирйўл сафарига чиқади. Охири кунлар ўтиб, унинг «кулеси» асосий вагонга кўнган маҳал локомотивдан чиққан учкундан курткази ёниб кетади. Борди-ю Жек таржимаи ҳолидаги ўша даврони тилга оладиган бўлса, ўзини бебош, дайди деб қайд этишига тўғри келарди. У шу тарзда Чикагога, Нью-Йоркка ва ҳатто Ниагара шаршарасига ҳам «саёҳат қилади». Бу ерда полиция уни дайди сифатида ҳибсга олади. Бунинг оқибати ўлароқ, ўттиз кун қўр соқчилар назорати остида йиртқўч ҳайвондан баттар камерадолларининг азобларига дучор бўлади. У озодликка чиқаркан, жамият туб-тубидаги ана шу жаҳаннамда, цивилизациянинг ажал ўрасида кўрган бари мудҳиш азобларни тотиб кўргач, ўзи айтганидай, бир нарсага қатъиян аҳд қилади. Ҳеч қачон бу қадар паст кетмасликка қасам ичади.



Жек Лондон

Жек ўртаҳол оиладан чиққан мовий кўзли, оппоқ озли, тиласоқ Мейбл Эпплгарт деган қиз билан танишади. Қизни яхши қуриб қолади. Урашувлар, шаҳар ташқарисидаги сайрлар, қизнинг уйида ўлказан зифатлар чоғи Лондон ўрта табақа буржуа гапирадиган лаҳжани ҳамда дастурхон атрофида пичоқ ва санчқидан қандай фойдаланишни ўрганиб олади. Бир сўз билан айтганда, Мартин Иден ёлғизиздами? У лугат сотиб олади ва Мейбл ўқиган билим даргоҳида таҳсил олмақчи бўлади. Бироқ дарсликлар устида астойдил ўтиришга вақти ҳам, қурби ҳам етмас, ундан кейин онасига ҳам ёрдам беришига тўғри келарди. Шундай қилиб, Жек тўрт ой ана шу илм олинмайдиган юракларни эзадиган иш устида ўтиради-ю бас қилади. Энди у қисқа-қисқа ҳикоялар ёза бошлайди. Ёзганда қандоқ, ахир битта сўз учун нақ икки центдан ҳақ тўлашди-я! Буни ўн центлик оғир жиасмоний меҳнат билан солиштиринг-чи! Жек ҳафтама-ҳафта, кунига ўн беш соатлаб ҳикоялар ёзади ва уларни бетўхтов нашриётларга жўнатиб туради. Ёзиш учун қоғоз сотиб олиш ва ҳикояларини почтадан жўнатиш учун арзиманган қийим-бошу лаш-лушларини гаровга қўяди. Жек бутунлай омадсизликка учрайди, унинг бирон ҳикоясини, бирон сатрини чоп этмайдилар. Шунда у ёзувчилик ҳунарига қўл силтайди, кишининг тинка-мадорини қуритадиган қирхонага ишга кириди.

Шу орада бирдан кўнгилларни орзиқтириб юборадиган ажойиб бир хабар тарқалади: «Сан-Францискога Клондайкдан қиймати бир миллион долларнинг таъбирича, «релслар бўйлаб саёҳат қилади», яъни вагон остига ўтириб олганча Америка бўйлаб темирйўл сафарига чиқади. Охири кунлар ўтиб, унинг «кулеси» асосий вагонга кўнган маҳал локомотивдан чиққан учкундан курткази ёниб кетади. Борди-ю Жек таржимаи ҳолидаги ўша даврони тилга оладиган бўлса, ўзини бебош, дайди деб қайд этишига тўғри келарди. У шу тарзда Чикагога, Нью-Йоркка ва ҳатто Ниагара шаршарасига ҳам «саёҳат қилади». Бу ерда полиция уни дайди сифатида ҳибсга олади. Бунинг оқибати ўлароқ, ўттиз кун қўр соқчилар назорати остида йиртқўч ҳайвондан баттар камерадолларининг азобларига дучор бўлади. У озодликка чиқаркан, жамият туб-тубидаги ана шу жаҳаннамда, цивилизациянинг ажал ўрасида кўрган бари мудҳиш азобларни тотиб кўргач, ўзи айтганидай, бир нарсага қатъиян аҳд қилади. Ҳеч қачон бу қадар паст кетмасликка қасам ичади.

Шу орада бирдан кўнгилларни орзиқтириб юборадиган ажойиб бир хабар тарқалади: «Сан-Францискога Клондайкдан қиймати бир миллион доллар

дан ортиқ олтин ортилган кема келиб тўхтади!». Шу тариқа олтин талвасаси бошланади ва Жек ҳам бор вужуди билан ана шу вавасасага йўлиқади. У Юкон соҳилларидан қайтади. Бойлик ортириш илинжида келган олтин изловчи-лар фожияларидан фарёд чекиб, инграб ётган унсиз ва қудратли Юконнинг бармоқлар муздан тараша бўлиб қоладиган қаҳратон совуқ остоналари, олов ёқмасдан ўчиб қоладиган бу оппоқ мудҳиш сукунат диёри ҳақида ҳикоялар ёзишга ўтиради. Жек буларнинг барини ўз кўзи билан кўрган эди. У олтин топмади ва қазиб ололмади, лекин цинга — милк касаллигини орттириб Оклендга қайтди. Ҳа, унинг ёнида пули ҳам,

тилласи ҳам йўқ эди. Бироқ Жек кундаликлар ва жонли таассуротлар билан ортига қайтди. Унинг ўзига хос кўпол, жўн фалсафаси бўлиб, худди Киплинг ҳикояларига ўшаб кетадиган адабий намуналари бор эди. Ахир бир кун муз жойидан кўчиши ҳам керак-ку!

Ана шу муз 1899 йилда жойидан силжийди. Жек Лондоннинг ниҳоят омади юришади. У бундан — ҳали шаҳарлашиқ улгурмаган ҳамда абадий музлик диёрининг ёввойи ўтмиши ҳақида билишни истаган Америка учун ёзаётганидан хурсанд эди. Ана шу саргузашт-намо беллетристика зўр муваффақият қозонади, бу ўша Американин пионерлик руҳига жуда мос тушади. Негаки, Жекнинг ҳикоялари илк натурализм нишонларини бўлиб, динамик, романтик ва ҳаётсевар ҳислар, куч-ғайрат ва ироданг бўлса, бари қийинчиликларни енгиш мумкин деган ишонч туйғуларига йўғрилган эди. Ахир Жекнинг ўзи турмуш-турмуши, қиёфаси билан қаламидан чиққан фазилатлар тимсоли эмасмиди? Пишиқ гавдали, куч-ғайратга тўла, гарчанд цинга касали олдинги тишларини аямаган бўлса-да, жўшқин, улуғвор қиёфали шахс сиймоси фикримизга далил бўла олади. У шунинг учун лабларини бир-бирига маҳкам қимтиган ҳолда суратга тушади. Унинг кўзлари — орзу-хаёлларга берилувчан, хаёлпараст одамнинг кўзлари. Жекнинг дўстларидан бири уни шундай хотирлаган эди. Айни вақтда унинг бутун қиёфаси кишида кучли одам таассуротини қолдирарди.

Фридрих Ницше фикрлари билан танишув Лондонни бир ҳақиқатга қатъий ишонтиради: бошқалардан ажралмасдан чекада турган, ёлғиз одамларнинг муайян тили мавжуд — улар бошқалардан кўра ақллироқ ва кучлироқ бўладилар. Бундай одамларнинг биологик мақсад-вазифаси — селекциядир, яъни танлаш ва чапиштириш йўли билан зотни яхшилаш, ҳар бир зотнинг турмушга мослашиши учун унинг сараланишига ёрдам бериш. «Хавф-хатар остида яшанг, ҳали вулқон олови сўнмаган Везувий қояларига иморат солинг», — дейди Ницше. Жек Лондон ҳам айнан шундай мақсадга интилиб яшади. У ҳаммадан ўзини устун биладиган супермен билан бирор гоёга интилган киши ўртасида ҳеч бир зиддият кўрмади.

Суперменга турмушда ўзининг мақсад-вазифасига жавоб берадиган йўлдош керак бўлади. Жек аёлларни икки тоифага ажратади — аёл-она, у рисоладаги уй бекаси; иккинчиси аёл-дўст бўлиб, ҳаёт қайнаб турган, энг хавфли чегараларда ҳам эркак билан

бирга бўла олади. Кейинги тоифадаги аёллар Жек ҳаётида кўп учради — бу ўн беш ёшли устрица овловчиси бўлган ўсимирни ҳақиқий ҳаёт билан таништирган бандаргоҳ фоҳишаси Маммидан бошланди. Бироқ Жек бу тоифа аёлларга кўп ружу қўймади: томирларида оқаётган қон уни аёл-она томон даъват этди, унга бақувват англосакс ўғиллар керак эди. Бу ниятга интилиш натижаси ўлароқ, тезда танишувдан сўнг Лондон қора сочили Бесс Мадернга уйланади. Бесс Мадерн ёзувчининг ҳам котибаси, ҳам уй бекаси, ҳам унга иккита қиз туғиб берган аёл бўлади. Лекин Жек бу аёлни чинакамига сева олмайди. Шунда у бутун вужудидан қайноқ ҳаёт нафаси уфуриб турган, Россиядан Сан-Францискога кўчиб келган ёш яхуди қиз Анна Струнскини севиб қолади. Агар Жек оилали бўлмаганида динлари ўртасида фарққа қарамай Анна унга турмушга чиққан бўларди. Охири оқибат кўп ўтмай улар айрилиб кетадилар ва Жек қизин муҳаббатсиз, никоҳда аёл-она ҳамда бунга қўшимча тарзда уч минг долларлик қарзи билан қолади. Энди у газета магнати Рэндолф Херст газетаси учун мақолалар ёза бошлайди. «Пул керак, — деб ёзади у эски ошнасига, — пул дегани бўлса,

ҳеч етишмайди». Ҳа, Жекнинг пуллари тезда ҳавога учиб кетарди.

Лекин ҳеч истисносиз, Жек Лондон XX асрнинг биринчи ўн йиллигида Америка адабиётини янги ўзанга буриб юбора олди. «Авлодлар даъвати», кейин «Денгиз бўриси» асарлари пайдо бўлади. Сўнгра «Денгиз бўриси» қаҳрамони га элатдош «Оқ сўйлоқтиш» дунёга келади. Фақат Оқ сўйлоқтиш цивилизацияни тарқ этган, овлоқ қутб чеккасига тарқидунё қилган Бэқдан фарқли равишда замонавий америкаликлар оламига қайтади. Ёзувчининг ушбу асарлари ҳозирга қадар ўзида гоё зўр ҳаётли қудратни намоён этади ва Жек Лондоннинг Стейнбек ва Хемингуэйнинг ўтмишдоши бўлганидан далолат беради.

Айнан ана шу даврда, ёзувчилик шон-шухрати тобора ортиб борган сайин унда бот-бот депрессия, тушкунлик ҳолатлари рўй бера бошлайди. У столга тўппонча қўйиб ва ўз жонига қасд қилишни хаёл қиларди. Ана шунда Жекни бу ҳалокатдан турли бидъат-хурофотлардан батамом узоқ, самимий қиз Чармиан Китрежга бўлган муҳаббати қўқариб қолади. Қиз оламини тўғри ва самимий қабул қилар, аёл-дўст, аёл-йўлдош тимсоли, Жекнинг орзусидаги аёл бўлиб, у қиз билан қарта ўйнар, қилич-бозлик қиларди. Улар ҳатто куч синашиб, бокс тушишар, қиз, албатта, Жекнинг янги «Спрей» номли яхтасида бирга сузарди. Жек умрида биринчи марта ана шу қиз туфайли ҳиссиётларга, ширин туйғуларга лиммо-лим гўзал муҳаббат таъмини тотади.

У хотини Бессга энди ажрашажларини маълум қилади ва ўзи рус-япон уруши ҳақида Херст газетасига репортажлар жўнатиш учун Японияга жўнаб кетади. Жек Лондон Токио барларида ҳамкасблари бўлган журналистларни қолдириб, ўзи маъбуот учун ёпиқ бўлган ҳарбий ҳаракатлар зонасида киришга ҳаракат қилади. Унинг урушдан юборган хабарлари газетанин биринчи саҳифаларини эгаллайди. Ана шунинг учун ҳам японлар уддабурон муаллифни ҳибсга оладилар.

Жек Лондон, унинг оиласи ҳақидаги хабарлар ҳам газеталарнинг биринчи саҳифаларини бежай бошлайди. Негаки, Бесс можароли никоҳ ажримини жараёнини бошлаб юбор-

ган эди. Жек энди фақат аёл-она билан ажрашибгина қолмасдан, балки иккала қизи билан ҳам алоқалари узилди. Унинг Чармиан билан тўйи 1905 йил охирида бўлиб ўтади. Жек умридаги ана шу энг диққатга сазовор воқеани умрбод эсда қоладиган қилиб нишонлашга қарор қилади. У мўъжазгина кема ясайди, бунинг учун экипаж аъзоларини йиғади ва жаҳон бўйлаб саёҳатга отланади.

Бу қаҳрамонна жасорат эди. «Снарк» елканли кемаси бундай энгил-такларча, бебош хаёл-мақсадлар учун мутлақо тўғри келмасди. Кемани бошқариб кетаётган экипаж аъзолари эса навигация, кемалар қатнови қонун-қоидалари ҳақида чалакам-чатти таассуротларга эга эди. Жек ана шу навигация қонунларини кемани бошқариб бошқарибгина англаб етди ва бир мўъжиза бўлиб, кема деярли сувга чўка бошлаган вақт тўғри эди. У зўрға Чармиан билан Фарбий Самоа ва Сулаймон орollarига етиб келади. Уёқдан эса улар дуруст бир кемада Сиднейга сузиб ўтадилар.

1905 йили Лондон Сан-Францисконинг шимол томонидан тепаликлар билан ўралган 130 акрлик (1 акр — 0, 4047 га) ўрмонли ерни сотиб олади. 1909 йилга келиб эса у салкам минг акрлик ерга эга бўлади. Жек бу ерларни илмий утопия фермасига айлантириш ниятида «Ажойиб ранчо» деб атади. Бу ерда «Бўри уйи» аталмиш ҳашаматли ҳовлини бунёд этиш ниятида чўққа, хўкиз, сигир, отлар ҳамда 16 минг туп қишин-ёшин ям-яшил бўлиб турадиган улкан Австралия дарахти — эвкалипт кўчати сотиб олди. Бироқ тақдир бошқача иш қўради: «Бўри уйи» — Жекнинг булутлар билан ўпишган қалъаси ёнгин чиқиб, қурилиш тугай-туғай деб турганида ёниб кул бўлади. Жек Лондоннинг ўзи ҳам тобора кундан қола бошлайди, соғлиғи кундан-кунга ёмонлашади. Ахир ёшлигида кунлаб, ҳафталаб кўкрагини бериб виски ичганлари ўз ишини қилаётган эди. Энди Жек шoir Роберт Бернс ҳаракатларини такорлаган ҳолда ўзини Жон Барликорн — Жон арпа дони деб атади. Бу — мислсиз куч, ҳукмронлик орзуларига етказиш, оддий, хира кундалик турмуш манзараларини унуттиришга қодир спиртли ичимлик рамзи эди. Жек Лондон 1913 йили нашр этилган «Жон арпа дони» асарига алкоголь билан курашини ўзига хос ифодалаб беради. Бу китоб тез орада бестселлерга айланиб кетади. Ана шу йили докторлар Жекни буйракларининг мазаси йўқ деб оғхлантиришади. У бўлса даволаниш ўрнига кўпроқ оғриқни қолдирадиган кучли дориларни ичишга ошмади.

Кунлардан бир кун ажал яқинлашаётганини ҳис этган Жек хотини Чармианга шундай дейди: «Назаримда мен шу қадар гаройиб ва янги, шу қадар ваҳимали, ажойиб ва янгол олам кирғоғида турганга ўхшайман. Мен бу оламга қарашга қўрқаман».

1916 йил 21 ноябр кечаси Жек баданида турган қаттиқ оғриққа чидаёлмай, кучли дозада дори ичади. Эртаси кун эса бу дунёни тарқ этади. Унинг хотини Ой водийси яқоқ бўлса ташланиб турган мўъжазгина тепаликка қўйилади.

«Ажойиб ранчо» — эндиликда Калифорния истироҳат бони. Ушбу ранчода ўсаётган узумлардан олинган ажойиб винонинг довриги бутун Сонома графлигига тарқалган. Менимча, бундай ҳосилдан боши кўкка етган Жек бунинг учун қадах кўтарган бўларди.

Матсума АХМЕДОВА тайёрлади



Архив



Ички оламнинг муваффақиятли изланиши

Одам умр бўйи ўзлигини излаб яшайди. Ҳаётнинг асл маъносини ҳам шунда кўради. Қандай қилиб бу дунёда ўзликни топиш, лоақал «мен»нинг ҳақиқий қиёфасини англай олиш мумкин? Бу тушунчаларнинг асл негизи қаерда? Чин яшаш ўзи нима дегани? Чин инсон-чи? Ҳар қандай тақаллудан холи бўлган «ўз»имизни тасаввур эта оламизу, нега уни атрофдагиларга шундайлигича ҳавола эта олмаимиз? Шу ҳақда ҳеч фикр юритганмисиз? Мана шундай саволларга жавоб беришни мақсад қилган психология фани бугунги кунда муайян ютуқларга эришмоқда.

Чин инсон — оддий тасаввуримиз ўз хусусиятларини ўзи кашф эта олган оддий, биз тасаввур этмаган, эта олмаган ҳар қандай одам бўлиши мумкин ёки, бошқача айтганда, кўнгли тўлган ҳолда бутунлай «мен»лигини таъкидлаши, ички оламдан таскин топиши, ҳақиқий шахс эканлигини айта олиши мумкин бўлган бахтли бир замондошимиздир.

Бу ҳолатни яхшироқ тушунириш учун психологлар германиялик Бернд Геберт ҳаётини мисол қилиб келтиришади. «Айни дамда мен ўзимни бутунлай эркин ва, энг муҳими, ўзимдек ҳис қилаяпман, — дейди 52 ёшли Б.Геберт атрофдагиларнинг саволларига жавобан. — Сўнгги икки йиллик фаолиятимга назар ташлаган киши бундай фикрлашимнинг сабабини осонгина тушунади».

Б.Геберт илгари немис реклама оламида ўз номи ва мавқеига эга, керагича машҳурлик йўлини босиб ўтган эди. Бироқ ишида турли низо-лар кўпая бошлади ва у янги кредит карталари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Афсуски, оёқдан чалиб йиқитувчилар кўп эканлигига яна бир бор амин бўлди. Ҳаммасига қўл силтаб, бир куни эрталаб янги ғоя билан уйғонди. Бир мактаб билан ҳамкорликда лойиҳа тузди, лойиҳа ўқувчиларни ҳам руҳлантирди, улар ўзларининг синфхоналарини ўзлари таъмирлашлари керак эди, шу билан уларда ўзаро ҳамфикрлик ҳамда масъулият ҳисси ошиб борди. Геберт уларнинг ихтиёрига материал сотиб олиш учун онлайн чекларини ва асбоб-ускуналарни топширди, ҳомийлик пуллари эса уники эди, «бу ишларнинг ҳаммаси менинг ички ҳолатимга, одамларга фойда келтириш, уларнинг ҳаётини гўзал қилиш учун урнинишга бўлган ҳаракатларимга мос келарди», — дейди у.

«Бу — мен эмасман...»

Шу ўринда руҳшунослар олиб борган тадқиқот натижаларини келтириб ўтиш жоиз. Бу орқали «ўз-ўзига мос келиш» назариясининг ҳақиқатга қанчалик мувофиқ келишини аниқлаш мумкин. Улар кашф этган

нарса — кундалик ҳақиқатдир: ўз-ўзи билан алоқада бўлган инсоннинг шахсий имкониятлари бундай қобилиятга эга бўлмаганларникига қараганда ижобийдир. Олимлар инсон руҳиятини ўргана туриб шундай хулосага келишдики, ҳар бир киши ўзига ҳақиқий инсон баҳосини беришга интиларкан. Агар ҳақиқий инсон ва унинг акси бўлган одамни бир-бирига таққосласак, шундай хулосага келамиз:

«Бутунлай мен»:	«Мен эмасман»:
1) сунъий, сохта бўлмаган;	1) беқарор, енгилтак;
2) қатъиятли;	2) қатъиятсиз;
3) иродали;	3) бесабр;
4) хотиржам;	4) баджаҳл;
5) эътиқодли;	5) эътиқодсиз;
6) ижодкор;	6) ишониб бўлмайдиган;
7) ўзини ўзи ҳимоя қила оладиган;	7) тобе;
8) кўзлаган мақсадига эриша оладиган.	8) ичи бўм-бўш.

Хўш, ўзлигимиз қаерга беркинган? Нега у билан ҳар доим мувофиқ кела олмаимиз, яъни мутлақо бошқа нарсани хоҳлаганимиз ҳолда бошқа қиёфада намоён бўламиз? Кейинги

юборишдан ёмони йўқлиги ҳақида огоҳлантирадлар. Тушуниб бўлмас мотивлар ҳаётда жуда эрта вужудга келади, бу генетик жараён бўлиб, ҳар қандай ёшда кучли бўлиши мумкин. Улар инсоннинг ютуқлари ёки омадсизлигига қараб ривожланади.

Инсонда мотивларнинг бир-биридан фарқли равишда ривожланиши ҳақида немис руҳшуноси Оливер Шултхайснинг «Focus» журналига берган интервьюсида янада аниқроқ баён этилган.

— **Айтишингизга қараганда, инсонда англаб бўладиган мақсадлар билан бир қаторда унинг ўзига боғлиқ бўлмаган, англаб етмайдиган мотивлар ҳам бор. Улар қандай пайдо бўлади ва нима учун ҳар бир шахсда турлича?**

— Агар болалигида ким агрессив тарзда вояга етса, унда

албатта ҳокимиятга кучли интилиш бўлади. Агар болалар мустақил ютуққа эришса, уларда

ий тазйиқ ўтказмаслигимиз, бирор нимани узил-кесил таъқиқлаш ўзаро муносабатга таъсир этмай қўймайди. Масалан, кимда болалигида ҳокимиятга интилиш истаги кучли бўлса-ю, унга нотўғри муносабатда бўлинса, кейинчалик у ўша тарбиячи ишини албатта такрорлаб, ўзидан кейингиларга ҳам шундай зиён еткази. Ёки кимдир ўз онасига қаттиқ боғланиб қолса, катта бўлгач, масалан, бошлиқ лавозимида ишласа, у бажарётган ишлар кўпчиликлари ёқмаслиги мумкин, чунки бундай одамлар учун қарорни у бошлиқ бўлмагунча онаси қабул қилган бўлади.

Англаб бўлмас мотивларнинг ечимини топиш учун «Расмга кўра ҳикоялар тузиш машқлари» деб номланган тест ўтказиш мумкин. Иштирокчилар ихтиёрига 6 та расм берилди, улар расмларга қисқача изоҳ бериб, бирор воқеани ёзишлари керак. Экспертлар эса улар ёзган воқеалар 3 та мотив: боғлиқлик, ҳокимият, ютуқлардан қай бирига тегишли эканини белгилашлари лозим.

Масалан: оилами ёки иш?

Тез ўйлаб топилган ҳикоялар бизнинг яширин ҳаёт мотивларимизни айтиб беради.

1) Салим Салимов ўйчан тарзда, фикрларини йиға олмасдан ишонада ўтирибди. У ўтган йили ёзда оиласи билан бирга ўтказган таътилин эслапти. Қандай зўр бўларди-я, шу тоба у рафикаси ва фарзандлари билан бўлса, афсус, бунинг иложи йўқ, чунки у

ҳозир бошқа шаҳарда ишлайди ва фақатгина дам олиш кунларигина уйига бора олади. У уйга борганида албатта оиласи билан сайрга чиқади. Кейинроқ кўнғироқ қилиб рафикасига ўз режасини ва албатта уни севишини айтади.

2) Бугун оғир кун бўлди. Узоқ ва қаттиқ меҳнат натижасида тайёрланган самолёт учушга шай бўлиб турибди. Афсус, бугун унга охириги ишларни якунлаб қўйиш учун ёрдам берувчи бирорта ҳамкасби йўқ. У яна бир марта самолёт конструкцияси хатоларини топиш учун режани обдон кўздан кечирди. Тўсатдан унинг миясига бир фикр келди. Бу ишни зудлик билан талабалари (у институтда ҳам ишлайди) ихтиёрига ташласа-чи?

Экспертларнинг фикрича биринчи ҳикоя муаллифида боғлиқлик мотиви кучли. Иккинчи ҳикояни ёзган одамда эса ютуққа эришиш майли бор.

Инсон ўзига ўзи ёрдам берадими?

Инсон ўзи билан ўзи мулоқотда бўлмаса, ўз ҳаракатларини таҳлил қилиб турмаса, ўзгаларнинг ҳам дилини оғритиши турган гап.

Инсон ўзига ўзи ёрдам берадими? «Умуман олганда, ҳа, — дейди америкалик психолог Тимоти Вилсон. — Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш керак:

* Ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзингизни босиб олишга урининг, бу сиз ўзингиз ҳақингизда нима деб ўйлашингиз эмас, балки сиз ҳақингизда нима деб ўйлашларини кўрсатади, белгилайди.

* Атрофга жиддий қаранг! Турмуш ўртоғингиз, фарзандларингиз, ота-онангиз, дўстларингиз, ҳамкасбларингиз сизни ўзингиздан ҳам кўра кўпроқ билишади.

* Муҳим қарор қабул қилишдан олдин унинг оқибатини кўз олдингизга келтиринг ва чизиб кўришга ҳаракат қилинг, шунда ҳиссиётингизнинг нима дейишига аҳамият беринг!».

Дилдора МИРЗОКАРИМ қизи тайёрлади

«БУ — 100 ФОИЗ МЕНМАН»

йилларда олимлар, айниқса нейробиологларнинг тадқиқотларига кўра инсонда «мен»нинг ўзаги бўлмас экан. Зеро, биз эркинимиз, ўз фикримизни, онгимизни янги қарашлар билан тўлдириб боришимиз мумкин. Фикримизнинг исботи сифатида фигуристликдан Голливуд киноюлдузи даражасига-ча кўтарилган Арнолд Шварценеггерни эслаш кифо я.



Унинг комедия жанридаги қойилмақом роллари ва ниҳоят сиёсат йўлидаги ютуқлари, ҳозирги кунда Калифорния (АҚШ) губернатори эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Англаб бўлмас ўзлик сирлари

Инсонни баъзан тўхташга, ўз «бурчи»ни бажаришга мажбур қилувчи нарса балки тақдирдир. Руҳшунослар бундай ҳолатни «англаб бўлмайдиган ўзлик» деб атайдилар.

Кўнгилнинг худудида ҳақиқатан ҳам «англаб бўлмайдиган» тушунчалар бор, булар инсоннинг биологик табиатидан келиб чиқувчи хоҳиш-истаклардир:

— овқатланиш ҳамда аёл-эркак муносабатлари;

— боғлиқлик (дўстлик, бошқа одамларга яқинлик);

— ҳокимият (нафақат ҳокимиятга интилиш, балки умумий нарсаларга интилиш, таъсир ўтказиш, нималарнидир қўлга киритиш);

— ютуқлар (қийин вазифаларни уйдлаш, бегоналар тиргагисиз оёққа туриш).

Ушбу мотивлар ҳар бир одамда турлича кечади, ахир ҳар бир инсон алоҳида шахс-да. Бировлар «мен аниқ биламан», «мен энг кучли одамман!» деганларида руҳшунослар бу мотивларни бошқалари билан чалқаштириб

кучли равишда ютуқлар мотиви ривожланади. Муҳими, улардаги бу хусусиятларни ҳадеб таъкидлаб бўлмайди, аксинча, бу ҳолатни янада ривожлантириб, билим олишга қаратиш керак. Кимда ҳокимиятга интилиш мотиви йўқотилса, унинг ўрнига бирор нарсага боғлиқ бўлиш хусусияти туғилади. Бу ҳолат хатто катта ёшдагилар орасида ҳам учрайди.

— Қандай қилиб ин-

сон ўзидаги тушуниб бўлмас мотивни аниқлай олади?

— Бирор фаолият орқали дастлаб синаб кўрилади, улар учун ички сезги керак бўлади, кейин эса қўлланади. Бунинг учун инсонга тинчлик керак, ҳамма нарсани тинч ҳолатда ўйлаб кўриш керак, шошилиб қилинган қарор кўпинча нотўғри бўлади.

— **Бундай пайтда ички сезги ҳам алдайди, шундайми?**

— Ҳа, чунки бу вақтда боғлиқлик мотиви ишлайди, кимгадир қарор ёқиши мумкин, кимгадир эса...

— **Одамлар кейинги пайтларда маъно, мазмунни соғиниб қолдилар. Бу ҳам инсондаги англаб бўлмас мотивга кирадими?**

— Йўқ, бу кўпроқ ижтимоий-иқтисодий ўзликка яқин. Инсон ўзининг кадр-қимматини англаганида, ўшандай ижтимоий тизимда яшасагина ўзини бахтиёр ҳис қила олади. Бахт ёки ҳеч бўлмаса мамнун бўлиш, ўша англаб бўлмас мотивларнинг қондирилиши оқибатида вужудга келади. Баъзан бу иккала тушунча бир-бирига қарама-қарши бўлиб қолиши ҳам мумкин. Ҳаётнинг маъносини англашнинг ўзи бахтли бўлмоқ дегани эмас, ёки аксинча, бахтли бўлиш — кўнгил тўлиши дегани эмас.

Гап болаликданок болалар онгига соф фикрларни сингдириш ҳақида кетса, албатта, уларнинг ота-оналари ва қариндошлари бир нарсани унутмаслиги керак. Биз уларга қатъ-



Ушбу атамалар ҳақида аксарият одамлар чигал тасаввурга эга. Мустамлака йиллари таъсири сабабли динимизни унчалик чуқур билмаган айрим юртдошларимиз (айниқса, ёшлар) асил ислом ва уни сохталаштириб кўрсатаётган оқимлар орасида саргардон бўлишди ва ҳануз бундай адашганлар йўқ эмас. Натижада «дин» сўзи кўшилган ҳар қандай истилоҳ ва гапларга шубҳа билан қарашлар юзага келди.

Истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси билан миллий кадриятлар ва муқаддас динимизга алоҳида эътибор қаратилди. Тошкентда Ислом университети, институти ва бошқа диний ўқув юртлари очилди. Ёшларимиз ҳар томонлама чуқур билим олишлари учун шароитлар яратиб берилди. Айниқса, уларни мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш масаласи давомли равишда таъкидлаб келинмоқда. Негаки, маънавиятимизга қарши қаратилган ҳар қандай тажаввуздан огоҳ бўлиш ва ҳимояланиш бугуннинг долзарб мавзуси ҳисобланади. Шунинг учун юқорида таъкидлаганимиз — чалқаш ва мавҳум тасаввурларга имкон қадар ойдинлик киритиш асосий масалалардан дейиш мумкин. Ҳатто айримлар уларни бир-бири ўрнида қўллаб, аралаштириб юборишади. Шу боис мавзуга киришдан олдин диний ташкилотнинг ўзи нима эканига ойдинлик киритиб оласан.

Буни билиб олинг...

Ислом энциклопедиясида диний ташкилотларга куйидагича таъриф берилди:

«...диний эҳтиёжларни биргаликда қондириш ёки қондиришга кўмаклашиш мақсадида тузиладиган ва диний маросимларни адо этиш асосида иш кўрадиган ихтиёрий, тенг ҳуқуқли ва ўз-ўзини бошқарувчи уюшма. Айни вақтда фуқароларнинг виждон эркинлигини кафолатловчи тузилмалардан бири ҳисобланади. Диний ташкилотларнинг энг муҳим белгиси уларнинг ўз-ўзини бошқаришидир, яъни, улар маъмурий жиҳатдан давлат идораларидан ажратилган. Диний ташкилотлар-

нинг фаолияти қонунларга зид келмаса, давлат уларнинг ички ақидавий ишларига аралашмайди. Улар ўз устав (низом)ларига мувофиқ ташкил топши ва иш юритиш, ходимларни танлаш, тайинлаш ва

Диний ташкилотлар ва радикал оқимлар

алмаштириш ҳуқуқига эгадир. Ўзбекистоннинг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунида таъкидланганидек, Ўзбекистон фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русмлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар ва б.) диний ташкилотлар деб эътироф этилади. Тегишли устав асосида фаолият юритувчи республика диний уюшмалари Ўзбекистон Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади. Вилоят, туман ва шаҳар, шаҳарча ва қишлоқ ҳудудида бўлган диний ташкилотлар тегишли вилоятлар, шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимияти адлия бошқармалари томонидан рўйхатга олинади. Диний ташкилотлар рўйхатга олингандан сўнг юридик шахс деб тан олинади. Улар тасарруфида бинолар (масжидлар), транспорт воситалари, пул ва бошқа мулклар бўлиши мумкин. Диний ташкилотларнинг мулкий ҳуқуқи қонун томонидан ҳимоя қилинади».

Эътибор берган бўлсангиз, диний ташкилотларнинг фаолияти қонунларга зид келмаса, давлат уларнинг ички ақидавий ишларига аралашмаслиги ва уларнинг Адлия вазирлигида рўйхатга олинishi таъкидланган. Демак, диний ташкилотлар ҳар хил дин ниқобидаги радикал оқимлардан бутунлай фарқланади ва уларни қоралайди.

Тажриба...

Тарихий тажриба шуни

Таълим соҳасини янги босқичга кўтариш ҳақида гапирганда, фарзандларимизнинг қалби ва онгига Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат туйғусини сингдириш, уларни барча бало-қазолардан, бизга бегона бўлган таъсирлардан огоҳ этиш ва ҳимоялаш, болаларимизни шу руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор бериб келаётганимиз жамиятимизнинг бугунги ва эртанги куни учун нақадар муҳим эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши англаймиз.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан.

кўрсатадики, инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг конституция ва қонунларда мустаҳкамланиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки демократик жамият қуришдан асосий мақсад ҳам шудир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 61-моддасида: «Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдир. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди», — деб белгилаб қўйилган. Бундан маълумки, ўз-ўзидан диний ташкилотлар ҳам давлатнинг (сиёсий) ишларига аралаш-

томондан у тобора гайриинсоний моҳият касб этиб бормоқда. Иккинчи томондан эса ақлга сиғдириш қийин бўлган жўғрофий кўламда кенгайиб бораёпти. АҚШ давлат департаментининг маълумотида кўра, жаҳонда ҳар йили 650 дан ортиқ террористик ҳаракат содир бўлмоқда. Бу бир кунда икки марта дунёнинг у ёки бу чеккасида кўпорувчилик ишлари юз бераёпти дегани. Яқиндагина Ҳиндистонда бўлган воқеалар бунинг ёрқин далилидир.

Бундай ҳаракатлар юртимизда ҳам содир этилди. Конституциявий тузум ва тинчли-

мамлакат иқтисодий фаолиятини издан чиқариш; — миллатлар ва динлар аро уруш бошлаш;

— давлатлар ҳудудини қурол-аслаҳа ва наркотик моддаларга макон қилиш билан бирга бошқа ҳудудларга ҳам йўл очиш;

— мустақил давлатларни қарам қилиш.

Улар бу йўлда варақа, китоб ва кўп миқдорда хорижий валюта тарқатишади. Чунки иқтисодий томондан жуда катта таъминотчилари бор.

Кўриниб турибдики, диний ташкилотлар ва

гимизни бузиб, яширин мақсадларига етиш йўлида тузилган бир қанча радикал оқимлар пайдо бўлди.

Мақсад...

Хўш, бу радикал оқимлар қандай қилиб ёйилмоқда ва асл мақсади нима?

Ҳар бир шахс жамиятнинг бир бўлаги ҳисобланади ва у ҳар томонлама шаклланган бўлиши лозим. Агар унда дин ҳақида аниқ билим ва фикр бўлмаса, албатта, ёт унсурлар таъсирига берилади. Радикал гуруҳларнинг асосий мақсадларини куйидагича белгилаш мумкин:

— тинч ва осойишта давлатларда низо чиқариш;

радикал оқимлар бутунлай бошқа-бошқа, бир-бирига зид тушунчалар ҳисобланади.


Ёвуз ниятли гуруҳлар ҳаракатининг бошлангич қисмидагина диндан фойдаланади. Сўнг хунрезликларининг адоғи кўринмай қолади.

Ҳолбуки...

Ҳолбуки, дин кишиларни ҳамиша эзгу ишларга чорлайди. Айниқса, ислом юксак инсоний фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилади. У тўфайли халқимиз минг йиллар мобайнида бой маънавиятимиз ва ўзлигини сақлаб келди.

Хулоса шуки...

Ҳозирги пайтда содир бўлаётган жараёнлар кишиларни доимий огоҳ бўлиш билан бирга, соф диний кадриятларни сохта ва гаразли талқинлардан фарқлашга ёрдам берадиган билимларни эгаллашга ундайди.



Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ, ЎЗМУ магистри

— **Мирзаҳаким, энг аввало юртимиздаги барча футбол мухлисларини, шу жумладан сизни ҳам юракларимизни тўлқинлантириб турган галаба — Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг Осиё чемпионатида кумуш медал совиндори бўлгани билан қутлаймиз!**

— Раҳмат. Ҳамма футбол иштирокчиларини ва энг аввало республика Футбол Федерацияси ва унда фаолият кўрсатаётган, терма жамоамизнинг галабаларига ҳисса қўшган барчани табриклаш ўринли бўлади. Жамоа аъзолари 2007 йили ёзда Хитойга бориб тайёргарликни бошлаган бўлсалар, ўтган бир ярим йил ичида Япония, Корея, Бирлашган

галикда шарҳладик. Ҳар бир ўйинда Ўзбекистон терма жамоаси голиб бўлишини хоҳлашимиз табиий ҳол.

Менинг назаримда, тўқсон ва баъзан ундан ҳам кўпроқ дақиқа давом этадиган футбол ўйини асосида шарҳловчи беихтиёр томошабинларнинг ҳамроҳига айланди.

Лекин улар бошқа-бошқа вазифаларни бажарувчи ҳамроҳлардир. Чунки ўйин вақтида шарҳловчи гапиради, томошабин унга ўз муносабатини билдира олмайди. Биз тингловчинини зериктирмаслигимиз шарт. Айтайлик, ўйин қизиқарли ўтса-ку, яхши. Лекин бирмунча зерикарли, бирорта гол урилмаган учрашувни шарҳлашда нима қиламиз?

Статистик маълумотларга кўра, матч давомида


ларнинг бориши, асосан, шарҳлаб берилган. Лекин ҳозир телевидениеда ўйиннинг эътиборга сазовор онларини қайта кўрсатиш имконияти бор, телеэкран қаршисидаги томошабин ўйинчининг хатти-ҳаракатини, қиёфасини, ҳаттоки шарҳловчидан ҳам яққолроқ кўриши мумкин. Тасвирда стадион умумий планда кўрсатилаётган бўлса, шарҳловчи узоқдаги ўйинчини бирдангина таний олмаса ва бунинг оқибатида хато маълумот берса, буни тушуниш керакмикин, дейман.

— **Ҳақиқатан ҳам, баъзан футболчининг исми шарифини хато айтиб, кейин «Ие, бу фалончи экан-ку», дейдиган шарҳловчилар ҳам бор...**

— Мана шундай бўлмаслиги учун футбол-

қайси жиҳатларидан ибрат олса бўлади?

— Бугунги кунда футболни телевидение орқали кўпчилик шарҳлапти. Уларнинг ўрганса бўладиган, такомиллаштирадиган томонлари кўп. Масалан, Давлатбек Турдиалиев бу ўйинни жуда яхши кўрадиган мутахассис. Футболнинг ҳақиқий ихлосманди, интернетдан эртаю кеч янги маълумотлар



Биринчидан, қўшимча маълумотлар ўз номи билан — қўшимча. Иккинчидан, кейинги йилларда ўйинчиларнинг арзимас сабаб билан майдонда чўзилиб ётиб олиш «касал» тарқалиб кетди. Уларга тиббий ёрдам кўрсатилгунча бир неча дақиқа ўтади. Шарҳловчи ана шу пайтда қўшимча маълумотларни айтиб бериши мумкин.

— **Яна бир жиддий мулоҳазамиз, бу — шарҳловчининг тилига оид. Оддий мисол: «Бурчак (ёки жарима) тўпи амалга оширилди (ёки бажарилди)», дейишади. Одатда тўп бажарилмайди, амалга оширилмайди, балки тепилади. Ахир ўзбек тилининг бой имкониятларидан фойдаланиб, шарҳловчилик маҳоратини ошириш мумкин-ку!**

— Сиз айтгандек, рус тилидан кириб келган ибораларни қўллашда бир тўхтама келолмаганимиз яхши эмас. «Тўп аниқ дарвозага бориб тушди», «Чиройли ўйинчини алдаб ўтди» каби мантиқан хато бўлган гаплар тез-тез учраб туради. Дарвоза тўсини билан устунини фарқламайдиган ҳамкасбларимиз ҳам йўқ эмас. Вилоят телевидениесидан шарҳ олиб борган ҳамкасбимиз бир ўйин давомида «паллада» деган сўзни сон-саноксиз марта айтди. Ҳолбуки, бу сўзнинг лаҳза, он, вақт, дам, дақиқа, сония каби синонимлари бор.

Авваллари телевидение орқали ҳафтада бир-икки марта кўрсатилган бўлса, ҳозир беш-олтидан футбол репортажлари эфирга узатилади. Бундай ҳолатда хатоларнинг кўпайиши эҳтимол ҳам ортади. Лекин бу камчиликларимизни оқлаш учун сабаб эмас. Шарҳловчи ўз устида қанча кўп ишласа, футбол ўйинларини мунтазам кузатиб борса, унинг маҳорати шунча мукамаллашиб боради.

— **Футболчиларнинг ўзлариям шарҳни эшитишадими? Бунинг уларга таъсири борми?**

— Жуда! Шундай ўйинчилар борки, репортажни ёздириб олиб, кейин, албатта, кўрадилар. Улар ҳар бир шарҳловчининг ўзига хосликларини мухлислардан ҳам яхшироқ билдилар. Ўзларига тааллуқли мақтовни ҳам, танқидни ҳам кўнгилларига жуда яқин оладиган футболчилар бор. Ўринли танқид қилган бўлсангиз: «Ануви кун боладиган», дейишади. Ноўрин гапдан хафа бўлишади. Демак, биз ҳам мухлислар, ҳам футболчиларнинг диди, савияси, талаблари ва футбол ўйинига муносабатларини ҳисобга олган ҳолда футболни қизиқарли, мазмунли шарҳлашга масъулмиз.

Муҳтарам УЛУФОВА суҳбатлашди

Шарҳловчи ҳам мухлис

аммо у ҳар қандай ҳолатда ҳолис бўлиши керак

Суҳбатдошимиз — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Sport» телерадиоканали бўлим бошлиғи, педагогика фанлари номзоди ва ўзининг ажойиб футбол шарҳлари билан минг-минглаб телетомошабинлар ҳурматини қозонган Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ



Араб Амирликлари, Эронда бўлиб, 32 та халқаро ўртоқлик учрашувларини ўтказдилар. Рақиб жамоа ўйинини экрандан кузатган қаёқда-ю, у билан юзмаюз ўйнаб, кучли ва ожиз томонларини ўрганган қаёқда?! Ёшлар терма жамоамизнинг бугунги галабалари мана шундай катта тайёргарликнинг натижаси, албатта.

— **Бу ўйинларни шарҳлашда сиз ҳам иштирок этдингиз, уларга тайёргарлик жараёни ҳам қизиқарли, ҳам масъулиятли, ҳам ҳаяжонли бўлса керак...**

— Ҳа, футбол бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионати учрашувларини катта жамоамиз аъзолари, жумладан Давлат Турдиалиев, Даврон Файзиев билан бир-

ҳар бир футболчи 20, 30, 40, 50 марталаб майдоннинг у бошидан бу бошига бориб келаркан. Агар ҳар қанча машҳур бўлса ҳам, бир ўйинчининг стадионда у ёқдан бу ёққа югуришини уч-тўрт марта қайтарсанг, бунинг ҳеч кимга қизиғи йўқ.

Ўтган асрнинг 60-йилларида радио, телевидение орқали футбол ўйинлари ҳақида репортажлар берилиб, шарҳловчилик мактаби табиий равишда шаклланиб борган. Ана ўша мактабга тамал тошини қўйганлардан Роман Турпишев ва Ахбор Имомхўжаевни кўпчилик футбол мухлислари, айниқса, яхши билдилар. Лекин у пайтда телевидениенинг имкониятлари жуда чекланган эди. Ўйинлар учта, ҳаттоки битта камера орқали тасвирга олиниб узатиларди. Шунинг учун учрашув-

ни кўп кузатиш керак. Шунда ўйинчиларнинг майкасидаги рақамни кўрмасдан туриб ҳам, хатти-ҳаракати, сочи, қиёфасидан уни таниб олса бўлади. Лекин кутилмаган вазиятлар ҳам бўладики... масалан, яқиндагина ёшлар ўртасида Осиё чемпионатининг чорак финалида ўзимиз кузатган вазият: жамоамиз аъзолари Корея футболчиларига қарши тўп сурдилар. Асосий вақтнинг охириги дақиқасида ҳакам қизил карточка кўрсатиб, терма жамоамиз дарвозабонини ўйиндан чиқариб юборди. Тасаввур қилинг, шарҳловчи Тошкентда туриб репортаж олиб борапти. Экранда ўйинчилар йирик планда кўрсатилмай, стадионнинг умумий кўриниши тасвири намойиш қилинапти. Шарҳловчи: «Дарвозабон ўрнини ўйинчи Фулом Ҳунов эгаллади», деди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, Фулом Ҳунов бошқа бир позициядан туриб тўп тепаётганини кўрдик. Демак, дарвозада бошқа ўйинчи экан-да. Суриштириб, бир неча жойлар билан боғланиб, Мурод Холмухаммедов дарвозани кўриқлашга тургани аниқланди ва шарҳловчи ўз хатосига тузатиш киритди. Мана бу ҳолатда мухлислар шарҳловчини айблаган бўлмасалар керак.

— **Ҳозирги кунда касбдошларингизнинг**

тўплашга ҳаракат қилади. Ёш ҳамкасбларимиздан Даврон Файзиев футболни жуда кўп кузатади, ўйинчилар ҳақида бой маълумотларга эга. У янги авлод вакилларига хос услубда, яъни футбол учрашувларини шонилмасдан, хотиржам, оғир-босиқлик билан шарҳлайди. Кейинги йилларда Комилжон Жумаевнинг тажрибаси ортиб борапти. Мурод Ризаевнинг мухлислар фикрини ўрганишга интилиши кўпчиликка ёқади. Лекин меъёрни унутмаслик керак, деган мулоҳаза ҳар биримизга тааллуқлидир.

— **Яна бир савол: шарҳловчи доим ҳолис бўлиши керакми ёки?..**

— Бу — жамоамиз ким билан ўйнаётганига боғлиқ. Агар йигитларимиз халқаро учрашувларда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилаётган бўлсалар, шарҳловчи ўз жамоамизга ён босиши табиий бир ҳол. Бошқа бир вазият бор: агар шарҳловчи республикамизнинг иккита жамоаси ўйинидан репортаж олиб бораётган бўлса, уларнинг қай бирига меҳри юз чандон ортиқ бўлса ҳам, ҳолис туриб шарҳлаши шарт.

Юқорида меъёр тўғрисида сўз очдингиз. Баъзан шарҳловчилар ўйинчилар ҳақида қўшимча маълумотлар беришга шунчалар қизиқиб кетадиларки, дарвоза олдида хавфли вазият юзага келаётган бўлса ҳам, улар ўша маълумотларни қайд этишдан тўхтамайдилар.

Грецияда тартибсизликлар

«France Presse» агентлигининг хабар беришича, Грециянинг турли шаҳарларида юз берган оммавий тартибсизликларда иштирок этганлардан 108 нафари қамокқа олинган.

Тўрт сутка давом этган тартибсизликлар натижасида 29 киши шифохонага юборилган. Уларнинг аксарияти кўздан ёш оқизувчи газдан захарланган.

Биргина мамлакат пойтахти Афинада 49 та офис ва 3 та ҳукумат биноси, 47 та дўкон, 14 та банк, 20 та автомашинага ўт қўйилган. Шаҳар мэри Никитас Какламаниснинг айтишича, тартибсизликлар вақтида яна 370 та дўкон зарар кўриши мумкин эди.

Эслатиб ўтаёмиз, Грециядаги мазкур тўполонлар 6 декабр куни афиналик 15 яшар ўсмир Александрос Григоропулоснинг ўлиmidан сўнг бошланган. Қотилликда айбланаётган полициячи ўқ болага тасодифан (рикошет усулида) теккан дея таъкидламоқда. Аммо унинг гапи қанчалик тўғри эканлиги баллистик экспертизадан сўнг маълум бўлади.

Намойишчилар мухолифатчи кучлар раҳбари Георгиос Папандреунинг даъватига кўра ҳукуматнинг истеъфога чиқишини талаб қилишмоқда.

Александрос Григоропулоснинг дафн маросимида 6 мингдан зиёд киши иштирок этди. Кеча эса Грецияда пенсия ислохоти ҳамда ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатига қарши оммавий норозилик намойиши бошланди.



Кўп бўлса ҳам зарар экан...

Австралияликларга экологик ҳалокатнинг олдини олиш мақсадида туя гўшти ейиш тавсия этилмоқда.

Чўлларни ўрганиш бирлашган марказининг 9 декабр кунги маърузасида айтилишича, Австралияда ёввойи туяларнинг сони миллиондан ошиб кетган. Бу эса чўллардаги экологик вазиятга хавф солади ҳамда сув манбалари ифлосланишига сабаб бўлади.

Марказ ходимлари мазкур муаммога омманинг диққатини тортиш мақсадида Канберрада тушлик ташкил этиб, юқори лавозимдаги амалдорларни туя гўшти билан меҳмон қилишмоқчи.



Юз минг долларлик

«ЭХСОН»

3 октябр куни кўп миқдорда пора олишда гумонланиб қўлга олинган лвовлик судья Игор Зварич ўзининг айбсиз эканлигини таъкидламоқда. Унинг айтишича, хизмат хонасидан топилган пуллар эҳсон учун черковга аталган экан.

Сал аввалроқ Украина хавфсизлик хизмати ходимлари Зварич (Лвов маъмурий-апелляция суди раиси) ва яна 6 нафар маҳаллий судьянинг хизмат хоналарида ўтказган тинтув чоғида бир миллион доллар ҳамда икки миллион гривен топилгани хабар қилинганди. Ҳуқуқ-тартибот ходимларининг таъкидлашларича, Зваричнинг хонасидан турли лавозимдаги амалдорларнинг ундан суд қарорини ўзларининг фойдасига ҳал қилиб беришини сўраб ёзган илтимосномалари ҳам топилган. Игор Зваричга нисбатан 100 минг доллар пора олганликда гумон қилиниб, жиноят иши қўзғатилди.



Иқтисодий инқироз туфайли...

Ўртаер денгизи соҳилидаги Монако князлиги молиявий инқироз туфайли ўз ҳудудини денгизда сунъий ярим орол қуриш ҳисобига кенгайтириш режасидан воз кечди. Бу ҳақда «Associated Press» агентлиги хабар қилади.

Иигирмата футбол майдонига тенг ярим оролни қуриш учун 5-10 миллиард доллар маблағ сарфланиши мўлжалланган эди. Ушбу режа амалга ошса, князликнинг 2 кв.км. га тенг ҳудуди 5 фоиз ошган бўлар эди. Қурилишни 2011 йили бошлаш кўзда тутилганди.



Тожмаҳалнинг нухаси

Бангладешда Тожмаҳалнинг нухасини қуриш ишлари якунланмоқда. Қурилиш кинорежиссёр Эҳсонулло Моний томонидан Сонаргаон шаҳрида олиб борилапти.

Баъзи қурилиш материалларини четдан, масалан, мармар ва гранитни Италиядан, олмосларни Белгиядан келтиришга тўғри келди. Бугунги кунга келиб қурилиш харажатлари миқдори 58 миллион долларни ташкил этади.

Маълумки, Ҳиндистондаги Тожмаҳал 17-асрда 20 минг киши томонидан 20 йил мобайнида қурилган. Эҳсонулло Моний эса унинг нухасини замонавий технологиялар ёрдамида 5 йил мобайнида атиги бир нечта кишининг меҳнатидан фойдаланиб, қуришга муваффақ бўлди.

Уч кунда уч марта ер силкиниши

Эроннинг Форс кўрфазидаги Кешм оролида 5,1 балл куч билан ер қимирлади. Ҳозирча қурбонлар ва вайронгарчилик ҳақида маълумот йўқ.

Бу 7 декабрдан бери ушбу оролда қайд этилган учинчи зилзиладир. Олдинги зилзилалар натижасида 6 киши жароҳатланган, 20 та бинога зарар етган.




Қайсар пенсионер

Нью-Йорклик пенсионер Симон Белскига машинасини таъқиқланган жойга қўйганлиги учун 2006 йили 115 доллар жарима солинган эди. Бугунги кунда ушбу жарима миқдори пенялари билан қўшиб ҳисоблаганда 200 долларга етган.

У жарима ноқонуний солинган деб ҳисоблаб, судга ариза берган эди. Ҳозирга келиб суд харажатларининг ўзи 7500 долларга етди.

Ушбу иш бўйича навбатдаги суд мажлиси 2009 йил 2 феврал кунига тайинланган. Мабодо судда ютиб чиқса, Белски суд харажатларини ҳам ундириб олиш ҳақида даъво ишини қўзғатмоқчи. Унга қанча миқдорда компенсация тўланса ҳам мазкур маблағни таълим дастурларига сарфлашни режалаштирган.



СИЗ ДАН... ИЖОБИ



Ўтирибман эзилиб,
Ёшим ҳам ўтиб қолди.
Дўкон узоқ боришга
Сигаретим оз қолди.

Эгам чекар тамаки,
Ҳар кун келар ёнимга.
Унга ҳавасим келиб,
Жабр қилдим жонимга.
Зухраҳон СУЛТОНОВА
Норин туман кенгаши
касаба уюшмаси
котиби

Кашанда деманг мени
Шунчаки зерикканман.
Тошоша йўқ пайтида
Оз-оз чекиб турибман.
Мохинур МАМАТКАРИМОВА
Жиззах вилояти
Фориш тумани
Йўлчи қишлоғи
62-умумтаълим мактаби
9-синф ўқувчиси

Қордан оппоқ болажон,
Кел, бағримга оламан.
Қора маймун бўлсамда,
Мен барибир онаман.

Асадулло МИРЗААКБАРОВ,
«Ҳамкорбанк» ОАТБ
бирлашган касаба
уюшмалари
қўмитасининг раиси

Аҳволимни кўриб
Кашанда деб ўйлама.
Касбим артистлик холос
Бу эса бир реклама.

Азизбек НОРОВ,
Қарши шахри



Энди навбатдаги суратга
изоҳ топинг-чи?



ҲАНГОМАЛАР

Ҳаёт тасодифларга тўла: тақдир тақозоси билан ота-бола божа бўлган ҳоллар ҳам учрайди. Баъзан ёш синглиси бор аёлга уйланган киши давр ўтиши билан бўй етган қайсинглисини олдинги хотинидан туғилган ўғлига олиб бериб, ота-ўғил — божа, қайсингил эса келин бўлиб қолади.

Отаси билан божа бўлган бир оғайним эл қатори ўзингиз билган «шайтон суви»дан бироз отиб туради. Бундай кўпайиб кетибдими, бир ёнига ўтқазиб, насиҳат — Ўғлим, бу ичкилик ҳеч кимнинг шохи чиқ...

— Хўп, ота, энди ичмайман, — дебди кечаги ичкилик таъсиридан боши нақ ёрилгудек бўлиб турган ошнам.

— Энди, отанг эканман, айтаман-да, бегона бўлсанг садқайи сар. Бундай ваъдаларни кўп бераяпсану яна ичаяпсан-да, ўғлим...

— Хўп, ота, энди ҳеч ичмайман, йигит сўзим шу.


— Бундай йигит сўзларингни кўп эшитдим. Онанг, оғироёқ хотининг-ку, майли, мени ота ўрнида кўрмасанг... Ҳеч бўлмаса божалигимизнинг хурмати йўқми? — зорланибди ота.

Оғайним бўлса:

— Хўп дедим-ку, божа... Юракни эзвордингиз-ай, ахир божа... Қайнонамнинг олдида ҳадеб уялтираверасизми? — деб нолиган экан, ота-божа кўлига калтак олибди:

— Тур, йўқол-ай, кўзимга кўринма... Божа бўлмай ҳар бало бўлгур...

Божалар



Кузги марафон

Раҳматли анам билан куз пайти даладан ғўзапоя тўплаб қайтдик. Уйга келиб ўтирар-ўтирмас экан кўйин чўнтагига қўлини солиб кўрди-ю, ранги оқариб, ух деганча келган йўлимиздан далага югурди. Нима гаплигини тушунмай мен ҳам орқасидан чопдим. Гап-сўз йўқ, гоҳ экан мендан ўзиб, гоҳ мендан ўзиб кетиб бораяпмиз. Нима гаплигини айтмайди денг.



Тилимдан осинг

Саратон охирлаб, асад кирган: ёзнинг жазирамасидан тирик жон борки ўзини сояга урган кезлар. Шуни ҳам писанд қилмай, чўлни айланиб юрган ўша даврдаги вилоят ва туман раҳбарлари раис ҳамроҳлигида дўстим Солижон раҳбарлик қилаётган бригадага етиб келибди. Улар сояда бироз нафас ростлаб, ишлар билан танишгач, қайтишга чоғланади.

Машинага ўтираётган раҳбарларни кузатаётган Солижон қўлларини кўксига қўйиб, шийпондаги музлатгичда қатиқ борлигини, шундан бир пиёладан ичиб кетишмаса, хафа бўлишини айтиб манзират қилади.

Меҳмонлар раҳмат айтиб, кетишга отланибди. Солижон эса манзиратини яна такрорлабди. Куннинг иссиғидан муздай қатиққа кўнгли суст кетган раҳбарлар ҳам «қўймадингиз-қўймадингиз-да, майли, олиб келинг қатигингизни» деб юборишибди.

Солижон эса гизиллаб шийпон кетига ўтиб кетганча келавермабди. Ана чиқар-мана чиқар билан беш-ўн минутини ўтказган раҳбарларнинг тоқати тоқ бўлиб, раисни шийпон ортидан хабар олишга юборишибди. Шийпон ортида эса Солижон қўлларини иягига тираганча пахтазор оралаб, қишлоқ томонга кетган сўқмоққа тикилиб ўтирганмиш.

Раиснинг таънаомуз тикилишига жавобан Солижон оғир уф тортиб, «раис бува, нима қилсангиз қилинг, осангиз тилимдан осинг, қатиқ ўлгур йўқ эди» дермиш.

Абдувоҳид КОДИРОВ,
АСМ ходимлари касаба уюшмаси
Бувайда туман кенгаши раиси



(15 - 21 декабр)

КУЙ
Ҳафта сиз учун омадли кечади. Ишда бурилишлар, дўстлар билан ёқимли мулоқотлар кутилмоқда. Анча чиқим қиласиз. Оила учун буюм харид қиласиз. Пайшанба ва жума аjoyиб кунлар бўлади. Ҳафта охирида самимий дўстона мулоқотлар бўлади.

БУЗОК
Ўзингизни хотиржам ҳис этасиз. Кўп янгиликлардан воқиф бўласиз. Дўстона учрашувлар юз беради. Душанба ва чоршанбага муҳим ишларни режалаштирманг. Сешанба кунини шахсий ҳаётингиз билан боғлиқ муҳим янгилик эшитасиз. Феврал ойида фаоллигингиз ошади. Ишда ва оилавий ҳаётда ижобий ўзгаришлар кутилмоқда.

ЭГИЗАКЛАР
Бошланган ишларнинг қандай яқунланиши ўзингизга боғлиқ. Душанбада муҳим янгиликдан воқиф бўласиз. Уша кунини учрашувлар ва сафарлар белгиламанг. Сешанба ва чоршанба оқсоғилга ўтади. Пайшанбада ниҳоятда банд бўласиз. Жума кунини одамлар билан мулоқотда эътиборли бўлинг.

ҚИСКИЧБАКА
Бу ҳафта анча муваффақиятли кечади. Кишилар билан муомала хайрли бўлади. Уйдагилар ва қариндошлар билан муносабатлар оидинлашади. Жума ва шанба кунлари болаларнинг парваршига эътибор беринг. Ҳафта охирида узоқдаги қариндошлар билан учрашишингиз мумкин.

АРСЛОН
Сизни қийнаётган муаммолар душанба кунини ижобий яқунланади. Пайшанба ва жуманда янги ҳамкорлар билан алоқа ўрнатиллади. Ижодий гояларни юзага чиқариш, яқинларга ёрдам бериш учун имконият пайдо бўлади. Шанба ва якшанбада уй юмушлари билан шуғуллангиз.

ПАРИВОД
Ишбилармонлик янги ҳамкорлар тоғида кўл келади. Сешанба ва чоршанбада ишдаги муаммоларнинг ҳал қилиниши ва оилавий муносабатларнинг яқинланиши кутилмоқда. Чоршанба кунини ордунгиз амалга ошади. Пайшанба ва шанбада атрофдагиларга эътиборли бўлинг. Шанба кунини кутилмаган янгилик эшитасиз.

ТАРОЗИ
Ушбу ҳафтада бошланган ишлар муваффақиятли тугаши, тижорат лойиҳалари тузиш, билимни бойитиш, ҳаётингизда бурилиш асайдиган ёқимли учрашувлар бўлиши кутилмоқда. Сешанба кунини жамоадорлар ва ҳамкорлар билан мулоқотда ваъзин ва мулоҳазали бўлинг.

ШАҲ
Олдинда омадли ва хуш ҳафта кутаяпти. Ҳеч қандай муаммоларга дуч келмайсиз. Шахсий ҳаётда, ишда ҳаммаси жойида бўлади. Сешанбадан ташқари кунларда ҳар қандай ишда анча енгилликлар бўлади, яқинларингиз сизни қўллаб-қувватлашади. Жума кунини тadbиркорлик билан боғлиқ янги гоялар, ижодий ишларда янги алоқалар вуҷудга келади.

УЗОГАР
Ҳафта сиз учун ўзгача кайфиятда бошлангани мумкин. Душанба кунини ҳар хил мулоқотлардан, сарфат ёки кредит олинган йироқ бўлинг. Сешанба ва чоршанба кунлари анча суст кечади. Дам олиш кунлари яқинлашган сайин ўзингизда куч-гайрат ошганини сезасиз. Кўп ваъитлар сиз учун фавақулда омадли яқунланади.

ТОҒ ЭҶКИШ
Бошланган ҳафта сиз учун энг эйр ҳафта бўлади. Ишда ва муҳаббат бобда омадлик кечади. Сизни жамоадорлар қўллаб-қувватлайди. Сешанба кунини оғир санжалар кутилмоқда. Ҳафта охирида мулоқотлар кўпми кенгайиши мумкин. Қизиқарли сарфатлар уюштирасиз. Яшанбада уй ишлари ва соғлиқ билан шуғулланган мамқул.

КОВГА
Душанбада ўтган ҳафтадаги нохуш ҳолатлар оқибатлари энгил ўтилади. Муҳим ишларда келишувга эришилади. Ички эъдиётлар бартараф этилади. Ҳафта ўртасида сизни гўзал ҳиссиётлар қамраб олади. Шанба кунини соғлиққа кўпроқ эътибор беринг.

БАЛИК
Сешанба ва чоршанба кунлари энг муҳим ишларни белгилашингиз мумкин. Бу кунда шахсий учрашувлар, муҳаббат оилари, дам олиш, маданий ҳаётдаги ҳодисалар ҳамроҳ бўлади. Пайшанбада эса жиддий иш билан шуғулланасиз. Шанба уй-рўзгор буюмлари харид қилиш учун қулай кун ҳисобланади.

Ishonch МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси	Бош муҳаррир Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ	Бизга кўнғироқ қилинг: Котибият: 256-52-78 Хатлар бўлими: 256-85-43	Бизнинг манзил: 100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134	Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.	Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев Навбатчи - А.Абдуллаев Мусаҳҳих - Ш.Абдусаматов
	Тахрир ҳайъати: Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиқов, Нормамат Аллаёров, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев	«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	Муаллифлар фикри тахририят нуқтан назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»-дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар ① белгиси остида чоп этилади.	Буюртма Г — 1114 Тиражи: 10129 Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 20.40 Сотувда эркин нархда	2 5 6
E-mail: ishonch-doverie@mail.ru					